Ўз ССР Давлат китоб палатаси
Жив. ...
Гос. книжная палата УзССР
40295

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН 10 ФЕВРАЛ, №6 (3293)

Абдулла ОРИПОВ

ТАРИХ ҲАҚҚОНИЯТИ

Амир Темур бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан ҳукуматимиз чиқарган қарорни тарихий воқеа, деб ҳисоблайман. Биз қадриятларимиз ҳақида доим куюнчаклик билан гапириб келаётирмиз. Ушбу қарор эса амалий иш ҳисобланади. Шу ўринда, наинки Амир Темур, балким умуман тарих ва адабиёт мавзусида фикр юритишга эҳтиёж туғилмоқда.

Бизнинг адабиётимизда, айниқса, тарихий мавзу доимий равишда ёзувчилар диққатида бўлиб келаётир. Етакчи адибларимизнинг деярли барчаси бу мавзуни қаламга олганлар. Бунинг сабаблари бир нечта бўлса керак, деб ўйлайман. Аввало, тарихимизни ўрганиш бурчимиздир. Қолаверса, миллатимизга доир ҳамма гапларни айтиш осон бўлмаган йилларда ёзувчилар воқеаларни ўтмишга кўчиришар, ўз орзу-ниятларини минг йил бурун ўтган тарихий шахснинг оғзига солиб гапиртирар эдилар. Масалан, партия ва коммунизм ҳақида бетўхтов шеърлар битган олим ва шоир Мақсуд Шайхзода ўзининг эрксевар туйғуларини Жалолиддин Мангуберди ёхуд Улуғбек лафзидан сўзлагани шундоққина кўриниб турибди.

Мен албатта назариётчи эмасман. Бироқ, адабиётнинг, хусусан, бадиий адабиётнинг ўзига хос қонун-қоидаларини тарих тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этишга уринаман. Кейинги йилларда, айниқса, мафкура бошқа ўзанга тушганидан сўнг ҳозиргача яратилган тарихга оид бадиий асарларни қайта баҳолаш бошланди. Чунончи, Мирзо Улуғбекнинг «мухолифи» Хўжа Аҳрорга муносабат масаласини олиб қарайлик. Тарихдан маълумки, у зотлар орасидаги муносабат қайта таҳлил қилиниши керакка ўхшайди. Тўғри, бадиий асарда, айниқса тарихий шахсларнинг мавқеи имкон қадар ҳаққоний бўлмоғи шарт. Бироқ, бадиий асарнинг хронологик асардан мутлақо фарқ қилиши мумкинлигини унутмаслик керак.



Шу ўринда Рабиндранат Тагорнинг бир фикрини айтиб ўтмоқчиман. Тагорнинг фикрича, бадиий асарда тарихий воқеа-ҳодисалар айнан бўлиши мутлақо шарт эмас. Асардан келиб чиқадиган хулосагина тарихий ҳақиқатга мувофиқ бўлса ўша етарлидир. Шу маънода Улуғбек аниқ фанлар билан шуғулланган олим эдими? Ҳа, шундоқ эди. Унинг илгари сурган фаразлари хурофот аҳлига тўғри келмасмиди? Ҳа, тўғри келмас эди. Мутаассиблар бормиди? Ҳа, бор эди. Улар орасида аёвсиз кураш бўлиши мумкинмиди? Ҳа, мумкин эди ва шундоқ бўлди ҳам.

Бу ўринда Хўжа Аҳрор Валийнинг салбий типга айланиб қолиши, албатта, у зотнинг руҳларига жабр бўлиши шубҳасиз. Бироқ шу ўринда Хўжа Аҳрор асарда қаҳрамон сифатида иштирок этадими йўқми — бу нарса масаланинг моҳиятини ўзгартира олмайди. Демак, бадиий асардаги асосий ечим, Тагор айтгани сингари, тарих ҳақиқатига моҳиятан тамомила мувофиқдир. Бундан ташқари, маълум тарихий шахснинг характерида ҳам, миссиясида ҳам унинг асосий ўрнини белгиловчи бош йўналишлари бўлади. Масалан, Пушкин аёллар даврасида ўзини у ёққа-бу ёққа ташлаб енгил-елпи ҳаракатлар қилгандир. Лекин бу муваққат ҳатти-ҳаракатлар унинг буюк илоҳий муҳаббат таронаси олдида ўткинчи нарсага айланади.

Бизнинг адабиётимизда тарих мавзусида ғоят ибратли асарлар яратилган. Масалан, «Навоий» романини эсга олайлик. Бу ўринда ҳам Ойбек домла асосий эътиборни асосий катта ҳақиқатга бурадилар. Дейлик, Навоийнинг оила қурмаганлиги роман учун асосий муаммо эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Худди шу нуқтаи назардан Темур ҳазратларига назар ташлайлик-чи. Албатта, Темурни ҳеч ким идеаллаштираётгани йўқ. У зот ўз даврининг вакили эди. Ва ҳар доимо соҳибқиронни муҳитидан ажратмаган ҳолда баҳолаш керак. Темур қирғинбарот ва қатлиом билан шуғулланганми? Шуғулланган. Агар унинг мана шу жиҳатигина ажратиб олиб ўрганиладиган бўлса, тарихнинг бус-бутун ҳақиқати албатта кемтик бўлиши мумкин.

Темурнинг фаолиятини илмий-хронологик асарлар албатта қамраб ола билади. Бироқ, бадиий асарда Темур сиймосига мурожаат қилганда бошқача талабларга бўйсунишга тўғри келади. Бунинг учун Темур даврини кўз олдимизга келтирайлик. Бир томонда — ер юзини мўрмалахдек босган чингизийлар. Иккинчи томонда уларнинг тарқоқ иш услуби меваси бўлмиш ўнлаб, юзлаб майда-чуйда давлатчалар. Бирининг оти иккинчисининг чегарасига ўтиб ўтлаб қолса, қирғинбарот жанглар бошланиб кетадиган бир муҳит. Шундоқ бир шароитда Темур, биринчидан, босқинчи чингизийларнинг пайини қирқди. Иккинчидан ва энг муҳими Осиёдаги қуроқ бекликларни бирлаштириб, марказлашган империя тузди. Бу ҳол эса маданият ва маърифатнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб берди. Шаҳарлар қурилди, мадрасалар яратилди, савдо-сотиқ ривожланди. Инсоният ўзининг ҳукумдори борлигини англаб қолди.

Амир Темур билан боғлиқ бир воқеани тарихчилар гоҳида айтиб юришади. Эмишким, соҳибқирон шимол мамлакатларидан бирига азимат қилганларида ўша мамлакатнинг уч-тўртта князи Темурга олмахон мўйнасидан тикилган пўстинни совға қилган эмиш-у, Темур пўстиннинг ҳурмати учун юриш қилиш ниятидан қайтган эмиш. Бундай майда-чуйда гаплар Темурнинг буюклигига соя ташлаш учун атайлаб тўқиб чиқарилган иғводан бўлак нарса эмас. Хўп, борингки, ўша воқеа юз берган бўлиши ҳам мумкин, дейлик. Бироқ, у Темурнинг тарихдаги ўрни асл моҳиятини белгиламайди-ку! Ўтган даврда Темур шахсига муносабат тамомила сиёсий характерга эга эди. Биринчидан, Темурнинг буюклиги тан олинса, унинг авлодлари, яъни бизлар ўзимизнинг кимлигимизни таниб қолишимиз мумкин эди. Ахир, «дарёлар бўйида сувга зор» халқ қандоқ қилиб ўз хўжайинларидан афзал бўлиб қолиши мумкин? Темурнинг қатағон қилинишига асосий сабаб шу деб ўйлайман.

Иккинчидан, Жаҳонгирнинг оромини бузиш фалокатга олиб келади, деган гап рост. Темурнинг руҳи Ер шарининг кундалик сиёсатига бевосита аралашиб турар эди. Масалан, Темур улуғланса, бир вақтлар ундан жафо чеккан давлатларнинг уйқуси қочиб, «нега энди бизнинг ғанимимизни фалон давлат улуғлаётибди, демак, бизга нисбатан аллақандай режалари бўлса керак», қабилида безовталик бўлиши табиий эди. Бу жиҳатлар албатта менинг учун қоронғи. Бироқ, истиқлол бизга шундоқ тарихий ҳуқуқ бердики, энди биз ўтмишимизни, тарихдаги қаҳрамонларимизни холис баҳолаш имкониятига эга бўлдик.

Бизнинг узоқ ва шонли тарихимиз, албатта, беш-олти хон-беклару соҳибқиронларнинг можароларидан иборат эмас. Тарихнинг, демакким, адабиётнинг ҳам энг асосий қаҳрамони халқдир. Халқ эса ўз тарихини билишга қизиқади. Бу ўринда халқ қаҳрамонлари турли қиёфада намоён бўлаверадилар. Масалан, Чингизга қарши курашган Жалолиддину Темур Малик ёхуд араб босқинчилари билан олишган Муқаннаю Торобий! Халқ уларни унутмаяжак! Менинг бир сомъе сифатида таассуротим шундан иборатки, биз ўз тарихимизда ўтган ҳақиқий сиймоларни мардларча баҳолай билишимиз керак. Шунинг учун ҳам бизнинг бугунги ҳатти-ҳаракатимиз ҳеч қандай сиёсий мақсадларни кўзламайди. Балки бу ишларимиз фарзанднинг ота хотираси олдидаги бурчини бажариши сингари табиий жараён ҳисобланади.

Модомики, шундоқ экан, жаҳон адабиётида яратилган барча асарларни холислик билан баҳолаб, бобомиз ҳақидаги гапни энди ўзимиз айтишимиз шарт. Такрор бўлса ҳам эслатайлик, ҳозиргача бу юмушни уддалай олмаётганимизнинг бош сабаби мафкура тазйиқи эди. Қолаверса, биз Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ маълумотлардан деярли маҳрум эдик. Темур образи ундоқ эмас, бундоқ бўлиши керак, деган тавсияномалардан мутлақо йироқ туриб шуни айтиш лозимки, у зот ҳақида асар ёзгучининг, энг аввало, нияти аниқ бўлиши керак.

САМОВИЙ ҚИСМАТ

Ҳаётда ҳамма нарса зиддият ичида туради. Зиддиятсиз тириклик йўқ, ҳатто зарра, ғубор ҳам бундан истисно эмас, балки энг олий зиддият — зиддиятнинг азалийси шу зарралардадир.

Кўк осмон бўлмаса, қора булутларга айш қайда эди?

Бошимизда кезиниб, карвонларини тортиб юргучи шу булутлар бўлмаса, ерга файз-барака қайда эди?

Булут осмонга зиддиятда, ер булутга зиддиятда — ўртада улардан неъмат деган фарзанд — тириклик бунёд бўлади.

Яралиш зиддиятдан...

Одамнинг ғайрати зиддиятдан.

Ғайрат бўлмасайди, бу тириклик маконлари аллақачонлар ўлик саҳройи азимга айланарди.

Одамнинг ўзи ҳам бизга номаълум ва ҳеч қачон маълум бўлмайдиган зиддиятлардан бино бўлди. Унинг мавжудлигининг асоси зиддиятга қурилган ва одам боласи бирор қадам қўймайдики, то у зиддиятдан холи бўлсин...

Лекин ҳамма одамлар ҳам ер ва мавжудотлар тириклигининг зиддиятли моҳиятини ҳис қилавермайдилар. Шундай ноёб одамлар ҳам бор-ки, улар туғилишданоқ, балки ҳали

(Давоми 2-бетда)

2-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Г. А. ПУГАЧЕНКОВАНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик фидокорона меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими, академик Галина Анатолевна Пугаченкова «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 феврал

ГАЛИНА ОПАНИНГ ТЎЙИ

Галина Пугаченковани нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг жуда кўп мамлакатларида санъатшунос, археолог, тарихчи олима сифатида яхши билишади. У 600дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, Ўзбекистон санъатшунослик экспедициясининг ташкилотчиси. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган маданият тарихчилари мактабининг асосчисидир.

Галина Пугаченкова 80 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатининг катта залида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда таниқли фан арбоблари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олиманинг шогирдлари, Франция, Германия, Япония, Россия ва Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари иштирок этишди.

Йиғилишни ЎзФА президенти вазифасини бажарувчи Ж. Абдуллаев очди.

Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев Ўзбекистон Президентининг кўп йиллик ҳалол меҳнати, илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшгани учун Г. Пугаченковани «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди. Олимани шонли сана билан сэмимий табриклаб, унга юксак мукофотни топширди.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пол Везиан Г. Пугаченковага Франция ҳукумати номидан тадқиқотчиликдаги буюк хизматлари учун олимларнинг фахрий мукофоти — Палма академияси зобити белгисини топширди.

Сўнгра олиманинг касбдошлари, дўстлари, кўп сонли шогирдлари табрикладилар. Юбилярга турли давлат, илмий ва жамоат ташкилотлари номидан табрикномалар тақдим этилди.

Йиғилиш сўнгида Галина Пугаченкова юксак мукофот ва табриклар учун Ўзбекистон ҳукуматига, элчиларга, фан-маданият арбобларига, дўстлари ҳамда шогирдларига миннатдорчилик билдирди.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

8 — 9 феврал кунлари Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида академик Г. А. Пугаченкова таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни институт директори, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғофурбеков кириш сўзи билан очди:

— Устозимиз Галина Пугаченкова бизнинг институтимизга 1959 йили катта илмий ходим бўлиб ишга келганлар. Ва 1960 йилдан бошлаб эса институт қошида Ўзбек санъатшунослик экспедициясини ташкил этганлар. Мана шундан бери бу экспедиция ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Ҳозир бу экспедициянинг раҳбари этиб тарих фанлари номзоди Баҳодир Турғунов тайинланган. Экспедиция олиб борган ишлар ўзининг қизиқарлилиги ва долзарблилиги билан муҳимдир. Масалан, 1972 йили 26 сентябрда Сурхондарё вилояти, Шўрчи район, Далварзинтепа қишлоғидан топилган эски кўза ичидаги 115 дан ортиқ тилло буюмлар ҳозир музейимиздан жой олган.

Илмий анжуманда академик Г. А. Пугаченкова ўзининг «Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари» мавзуидаги доклади билан иштирок этди.

Шунингдек, анжуманда олимлар Э. В. Ртвеладзе, Ю. Ф. Буряков, Р. Г. Мукминова, И. М. Азимов, А. А. Ҳакимов, Б. А. Турғунов, И. Э. Погосова ва бошқалар Г. А. Пугаченкова тадқиқ этган ишлар хусусида маъруза қилдилар.

АРЗОН ГЎШТНИНГ ШЎРВАСИ

Яқинда Бухорога боргандим. Қайтишда поездга чиқа туриб қизиқ ҳолни кузатдим. Йўловчиларнинг кўпчилиги гўшт кўтариб олишган эди. Вагонга чиққач бир кишидан бунинг сабабини сўрадим.

— Қоракўлликман, — деди у. — Тошкентга юз кило гўшт олиб кетаяпман. У ёқларда қимматроқ ва тез сотилади. Бирорта қассобга кўтара ташлаб қайтса ҳам бўлади.

Бу йўловчининг гапини тинглаб ўйланиб қолдим. Ростдан ҳам кейинги пайтларда Тошкент шаҳри бозорларида гўшт кўпайди. Натижада нархлар бироз тушди. Бу яхши албатта. Лекин масаланинг яна бир томони борки, уни яхшилаб ўйлаб кўришимиз керакка ўхшайди.

Ҳозир республикамиз бўйича гўштнинг нархи 15 сўмдан 30 сўмгача. Бошқа нарсалар-чи? Молга бериладиган ем 10—15 баравар ошган. Гўшт каби доимий истеъмол қилинадиган шакар 20, картошка 16—18 баробар кўтарилган. Бу табиий ҳол. Чунки ойлик маошлар, нафақа ва стипендиялар ҳам бир неча баравар оширилди. Бундан ташқари иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолиши республикамиз ишлаб чиқаришига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Хуллас, бугунги вақтинчалик қийинчиликларни халқимиз тўғри тушуниб, тўғри англаб етмоқда.

Энди яна бояги гапга қайтсак. Нима учун бошқа нарсаларга қараганда гўштнинг нархи арзон? Бундан қувониш керакми, йўқми?

Гапнинг рости, арзончиликка нима етсин. Лекин менинг назаримда бугунги кунда гўштнинг нархи арзонлашганидан унчалик қувониш керак эмас. Мен поездда суҳбатлашган киши уйидаги молини сўйиб Тошкентга олиб келаётганини айтган эди. Тириклайин сотишга эса харидор йўқ эмиш. «Чорсу» ва «Қўйлиқ» бозорларида ҳам бир неча киши билан суҳбатлашиб кўрдим. Улар республикамизнинг турли вилоятларидан келишган. Деярли ҳаммаси молларини сўйиб сотишаётганини айтишди. Кўриниб турибдики, гўштнинг нархи гўшт кўпайиб кетгани учун эмас, баъзи ерларда одамлар кўплаб мол сўйиши натижасида, яъни сунъий равишда пасайган.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришган йилиёқ Республикамиз Президентининг ташаббуси билан деҳқонларга 15—20 сотихдан томорқа берилган эди.

куюнчак газетхонлардан хатлар

Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди. Нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпайди, балки шахсий хўжаликларда сигир, қўй, эчки, товуқ боқиш имкониятлари ҳам яратилди... Демак шахсий моллар сони анча ошди. Бугун-чи? Айрим вилоят ва туман банклари ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлиги, баъзи хўжаликларга пулларни вақтида етказиб бермаётганлиги натижасида моллар сўйиб юборилмоқда. Лекин биз бунинг эртанги оқибатини ўйламаяпмиз.

Президентимиз Ислом Каримов Навоий вилояти сессиясида айрим банк ва хўжаликларнинг раҳбарлари айби билан одамлар ўз вақтида маош ололмаётганини қаттиқ танқид қилган эди. Лекин бу раҳбарлар танқиддан тегишли хулоса чиқариб олмаяпти. Ҳамон эскича ишлаш давом этмоқда.

Хўш, гўшт кўплиги ва нархи арзонлигидан қувониш керакми, йўқми? Мен йўқ дейман. (Бу менинг шахсий фикрим). Банкирларда, қишлоқ хўжалик ходимларида ёки газетхонларда бошқа фикрлар бўлса, марҳамат эшитишга тайёрман.

Б. УММАТОВ

«АДОЛАТ» КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Бундан бир неча йиллар муқаддам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Адолат» комиссияси тузилиб, иш бошлаган эди. Яқинда комиссия аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло бошқариб борди.

Мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ҳаётида қизғин, умидбахш воқеалар рўй бериб турибди, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ҳар бир одамдан фидойилик, жонкуярликни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шундай долзарб бир даврда «Адолат» комиссиясининг қайта фаолият кўрсата бошлаши жуда муҳим воқеадир. Мустақиллик учун курашганлар, бу йўлда жонини қурбон қилганлар хотирасини тўла тиклаш, қатағон йилларида ноҳақ жабрланган адиблар, зиёлилар ва халқ вакилларининг тақдирини ўрганиш, уларнинг авлодлари билан алоқа ўрнатиш, шунингдек, ижтимоий ҳаётимизда рўй бериб турадиган воқеаларга муносабат билдириш «Адолат» комиссияси фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

Йиғилишда иштирок қилган комиссия аъзолари — Матёқуб Қўшжонов, Аҳмад Алиев, Холида Аҳророва, Наим Каримов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Миразиз Аъзам, Шерали Турдиев, Маъруф Жалил, Тўра Мирзо, Музаффар Аҳмад комиссия фаолиятини жадаллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

МИЛЛИЙ БОҒ БОҒБОНИ

Қадим Бешёғоч майдони.

Баҳорга шайланган бир ажиб боғ хаёлингизни сеҳрлайди. Энди унинг номи Миллий боғ! Бу хушҳаво маскан ёнидан асло бепарво ўтиб кетолмайсиз. Унинг сарбаланд бир жойида Мир Алишер бобомизнинг кўшклари салобат тўкиб турибди. Ул зот ҳузурига йўл олар бўлсангиз, кўнглингиз тоза чаманлар ҳавосини сипқаргандек равшан тортади. Қулоғингизга ажиб наволар эшитилгандай бўлади.

Ҳазрат Навоий миллатимиз маънавият боғининг чин боғбони эдилар. Элимизнинг кўздаги нури, қалбимиз мадади эдилар... Бир тонг маҳали шу боғдан ўтиб бемисл ҳайрат ичра қолган эдим. Ҳазрат бобомизнинг таваллуд кунлари шу масканга келиб, ўша ҳаяжонли лаҳзаларни қайта бошдан кечиргим келди. Зотан, бу муборак жойга қадам қўйишингиз билан сиз абадиятни ҳис эта бошлайсиз. Замонлар садоси келади қулоғингизга. Биз муяссар бўлган иқбол моҳиятини англай бошлайсиз. Кўнглингиз тоғдай ўсади. Улуғ ҳазрат 500 йил наридан бизнинг бугунги кунларга, озод Ватан жамолига хушнуд нигоҳ ташлаб тургандек. Биз ҳар куни улуғ шоиримиз кўшки атрофидаги йўллардан шунчаки ўтиб кетаверамиз. Бир фурсат шундоқ бу ажиб боққа бурилиб, унинг боғбонига салом бериб кетишга вақт топсак, дилимиз нечоғли мунаввар бўлар экан. Зеро, буюк бобомиз шундай дея лутф этиб турибдилар:

(Давоми 2-бетда)

ҲЕЧ НАРСА ИЗСИЗ ЙЎҚОЛМАЙДИ

Биз ҳар бир фан бўйича, ҳатто унинг кичик бир тармоғи бўйича мутахассислар тайёрлашга зўр бердик; бу усулни аниқ фанларгагина эмас, балки ижтимоий фанларга ҳам татбиқ қилиб муайян самараларга эришдик, албатта. Бироқ кўп камчиликлар содир бўлди. Масалан, адабиётчи тил билимидан, тилчи тарих билимидан, ўрта аср тарихчиси эса қадимги дунё тарихидан бегоналашди. Ҳатто ўзбек тили фонетикаси бўйича мутахассис ўзбек диалектологиясидан, ҳозирги ўзбек тили грамматикаси мутахассиси ўзбек грамматикаси тарихидан узоқлашди... Оқибатда аниқ фанларда билмадим-ку, аммо ижтимоий фанларда бир-бирининг ютуқларидан фойдаланиш имкони чегараланди. Ҳозирги замон фанлари тараққиёти асосан фанларнинг туқнаш нуқталарида бўлаётганлигини ҳисобга олсак; ижтимоий фанлар бўйича билим доираси кенг бўлган мутахассислар тайёрлашга диққатимизни қаратсак, замон билан бирга қадам ташлаш имконини қўлга киритган бўлардик. Биз ўрис фанидан кўп нарса олдигу, аммо В. В. Бартолд, Л. Н. Гумилев каби олимлар асарларидан, уларнинг қамрови кенг бўлганлиги учун, фойдаланишимиз қийин кечмоқда. Шу маънода В. А. Гордлевскийнинг «Хожа Аҳмад Яссавий» мақоласидаги (В. А. Гордлевский, Избранные сочинения, том III, М., 1962) маданиятимиз тарихи ва ҳозири учун жуда қимматли бўлган ахборот ҳануз тилшунос, адабиётшунос, тарихчи, умуман ижтимоий фан вакиллари диққатидан четда қолиб келганлигига эътиборни тортмоқчимиз. Гордлевский мақоласидан парча келтирамиз: «Ўша чолнинг айтишича, бундан олтмиш-етмиш йил муқаддам Аҳмад Яссавий мақбарасининг хилватхонасида, чилла ўтириш пайтида унинг қабри бошига қўлёзма «Ҳикмат» қўйганлар. Ушбу китоб кийик терисига ёзилган бўлиб, жуда маҳобатли эди (узунлиги бир метр, қалинлиги бир метрга яқин). (Бу китобнинг ипак қоғозга кўчирилган нусхаси ҳам мавжуддир). Ўрислар Туркистонни босиб олган вақтда бу муқаддас қўлёзма қўрқувдан йўқотилган ёки яширилган кўринади. (Мен «Ҳикмат»нинг бу қадимги нусхасини топиш учун қатъий киришдим. Афсуски, бу борадаги Ўрта Осиё бўйлаб қилган ҳатти-ҳаракатларим зое кетди. Яқинда (1929 йилгача) Туркистон шаҳрида қадимги қўлёзманинг Фарғонага сотилгани ҳақида миш-миш оралади).

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Мазкур парча, биз анчадан бери қариялардан эшитиб келган фикрни тасдиқлайди. Бу фикрни олдинроқ эълон қилишимизга монелик этган сабаб бирор манбада ўша ноёб қўлёзма ҳақида дарак топмаганимиз эди. Аҳмад Яссавий ижоди, мақбараси билан ҳам шуғулланган йирик туркийшунос олим асарида учраган бу маълумот бизга далда бўлди.

Азиз ва муҳтарам миллатдошлар, ватандошлар! Ҳар бир миллатнинг, ҳар бир адабий тилнинг, ҳар бир ёзма адабиётнинг ибтидоси бўлади.

Бизнинг адабий тилимиз, адабиётимиз, маданиятимиз қулоғи бошида турувчилардан бири Аҳмад Яссавийдир. «Ҳикмат» туркий маънавият қомусидир. У «Туркий Қуръон»дир. У туркий тасаввуф асосидир. Аҳмад Яссавийсиз — «Ҳикмат»сиз Рабғузий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Чўлпонларни тасаввур қилиб бўлмайди. Агар Яссавий тасаввуфи бўлмаганда, Улуғбек «Зиж»и ҳам бўлмасмиди! XIX аср ўрис олимларининг гувоҳлик беришларича, Қуръон бўлмаган ўзбек хонадонини топиш «Ҳикмат» бўлмаган хонадонни топишдан осон эди. 150 йилча биз Аҳмад Яссавийдан узоқлашдик. Ўзимиздан узоқлашдик. Қизиқ боғланиш: мустақиллигимиз билан бирга улуғ китобимиз — «Ҳикмат»имизнинг асл нусхасини йўқотибмиз...

Дунёда бирон-бир нарса-ҳодиса изсиз йўқолмаслиги сиз — муҳтарам газетхонларга яхши аён. Агар ушбу мавзуга дахлдор бирон-бир дарак, ашёларга эга бўлсангиз, эшитган бўлсангиз, жамоатчилик бундан бебаҳра қолмасин!

Бошланғич мавзуни давом эттириб, шуни таъкидламоқчи эдикки, маънавият билан шуғулланувчи барча зиёлиларимиз муштарак илмий ишлар олиб боришга, ҳар бир олимимиз Беруний, Ибн Сино, Навоий, Фитрат домлалар каби серқирра, кенг тушунчали бўлишга интилсалар!..

Ким шу китоб ҳақида хабар берса, «Амир Темур» илмий экспедициясининг совғасини олади.

Б. ЎРДАБЕКЛИ

14 феврал — Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кун

Қодиржон ЭРГАШЕВ

БОБУРНИНГ БЕШ РУБОИЙСИ

Бобурнинг кўп рубоийлари шоирнинг ҳаёти, бошидан ўтказган ишлари билан боғлиқ равишда ёзилган. Бобур девонидаги рубоийларнинг бир қанчаси «Бобурнома»да бор ва шу сабабли уларнинг қандай кечмишлар муносабати билан ёзилганлигини аниқлаш унча қийин эмас. Лекин, «Бобурнома»га кирмаган рубоийларнинг орасида ҳам бир нечаси борки, биз уларнинг мазмунини таҳлил қилиб кўриб, ушбу шеърлар ҳам бевосита Бобур ҳаёти ва у бошидан ўтказган воқеалар билан боғлиқ деган хулосага келдик.

Маълумки, Бобур мирзо Кобулни қўлга киритган пайтидан бошлаб, доимо Ҳиндистонни эгаллашни орзу этган. «Тарих тўққиз юз ўндаким, Кобул вилояти мусаххар бўлди, ул тарихдин бу тарихгача ҳамиша Ҳиндистон ҳаваси қилилур эди», — деб ёзади Бобур бу ҳақда. Лекин унинг мақсадига эришуви осонликча бўлмаган. Бу йўлда кўп тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келган. «Бобурнома»даги мана бу сўзлар шундан далолат беради: «Гоҳи бекларнинг суст раъйлиғидин, гоҳи оға-инининг ноҳампойлиғидин Ҳиндистон юриши муяссар бўлмас эди. Охир мундоқ мавонеъ қолмади. Кичик-кирим бек ва бекоттин ҳеч ким хилофи мақсуд сўз айта олмади». Бобур мирзо Ҳиндистонга кўп марта қўшин тортган. Фақат 1526 йили Султон Иброҳим Лўдийни енгиб, Деҳлини қўлга киритишга муваффақ бўлган. Кўринадики, унинг Ҳиндистонни эгаллаш орзуси амалга ошиши учун йигирма йилдан ортиқ вақт керак бўлган.

Бизнинг диққатимизни тортган рубоийларнинг иккитаси Бобур ҳаётининг ана шу даври, унинг хаёлини банд қилган ана шу орзу билан боғлиқ. Бу икки рубоийнинг мазмунини мулоҳаза этиб кўргач, биз Бобур Ҳиндистонга қилган юришларининг биридан олдин ўзидан илгари Ҳиндистонни забт этган подшоҳлар қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳларидан мадад сўраган ва ушбу икки рубоий ўша пайтда ёзилган деган хулосага келдик.

Биринчи рубоий:

Бўлдим мени ошуфтаи ҳайрон мардуд,
Қилғил мададеки, бўлди имкон нобуд.
Дунё била уқбода ружуум сангадур,
Эй, икки жаҳоннинг шоҳи Султон Маҳмуд

Тарихдан маълумки, Султон Маҳмуд Ғазнавий Бобурдан беш ярим аср илгари Ҳиндистонни истило қилган эди. Юқоридаги рубоийда Бобур мирзо ана шу шоҳнинг руҳидан мадад тилайди. Султон Маҳмуднинг қабри Ғазна шаҳрида бўлиб, Бобур мирзо у ерда кўп марта бўлган. Султоннинг ўзи ҳам «Бобурнома»да бир неча марта тилга олинади. Иккинчи рубоий қуйидагичадир:

Бобур мутаважжиҳ ўлса Лангар сориға,
Қилмас назар беҳишту кавсар сориға.
Сендин тилагумдир мадад, эй ШОҲ ҒИЁС,
Ҳар вақтки, азм айласам ҳар сориға.

Бизнинг фикримизча, Бобур бу ўринда Султон Ғиёсиддин Ғурий руҳига сиғинмоқда. Султон Ғиёсиддин Ғурий гарчи ўзи Ҳиндистонни эгаллаб, у ерда ҳукмдорлик қилмаган бўлса ҳам, унинг ёрдами билан иниси Султон Шиҳобиддин Ғурий бу мамлакатни эгаллаган. «Бобурнома»да ўзигача Ҳиндистонни забт этиб, у ерда подшоҳлик қилган кишиларни зикр этар экан, Бобур бундай ёзади: «Ҳазрати рисолат замонидин бу тарихқача ул юз подшоҳларидин уч киши Ҳиндистон вилоятини мусаллит бўлиб, салтанат қилибтурлар; бир Султон Маҳмуд Ғозий ва авлоди Ҳиндистон мамлакатида муддати мадид салтанат тахтига ўлтурубтурлар. Иккинчи Султон Шиҳобиддин Ғурий ва қуллари ва тавобеи кўп йиллар бу мамлакатда подшоҳлик сурубтурлар. Учунчи мендурмен...» (Бобур бу ўринда фақат Ҳиндистонда подшоҳлик қилганларни назарда тутган. Ҳиндистонни олган, лекин у ерда қолмаган подшоҳларни, шу жумладан Амир Темурни ҳам зикр этмайди.)

Юқоридаги рубоийда тилга олинган шоҳ Ғиёс «Бобурнома»дан олинган мана бу парчада зикр этилган: «Яна Султон Шиҳобиддин Ғурий, агарчи Хуросон салтанатини анда эмас эди, оғаси Султон Ғиёсиддин Ғурийда эди. «Табоқати Носирий»да келтурубтурларким, бир навбат бир лаку йигирма минг баргуствондор била Ҳиндистонга черик тортибдур».

Рубоийда «Бобур мутаважжиҳ ўлса Лангар сориға» деган мисра бор. Бу ўринда Лангари Мир Ғиёс деб аталувчи лангар ва жой кўзда тутилган, жой номи «Бобурнома»да тилга олинган. Лангари Мир Ғиёс Хуросондан Ҳиндистонга борадиган йўлда бўлиб ўша томонга отланган кишилар шу лангар орқали кетганлар. Лангарнинг номи эса юқорида тилга олинган Султон Ғиёсиддин Ғурий номи билан боғлиқдир.

Биз сўз юритмоқчи бўлган учинчи рубоий ушбудир:

Эй қўрғон эли, қолдиму дармонларингиз,
Чиқмаймудир бу жаҳл қилғонларингиз,
Жондек кишилар очлиғидин чун чиқадур,
Сиз чиқмасангиз чиқса керак жонларингиз.

Мазкур рубоий Бобур мирзо бошидан ўтган воқеалар билан бевосита боғлиқлиги унинг мазмунидан кўриниб турибди. Бобур ўз юришларида шаҳар ва қўрғонларни забт этган. Баъзан бирон қўрғон ёки шаҳарни олиш учун уни қамал қилган. Мазкур рубоий ана шундай қамалларнинг бири пайтида ёзилган ва қўрғон элига, яъни қўрғон мудофаачиларига юборилган. Фикримизча, шеър «Бобурнома»нинг йўқолган қисмига тегишли бўлиши керак. Агар «Бобурнома» бизга тўлиқ етиб келганда биз юқоридаги рубоийнинг қайси қўрғонни олиш пайтида, қандай вазиятда ёзилганлиги тўғрисидаги аниқ маълумотга эга бўлган бўлур эдик.

Энди тўртинчи рубоий ҳақида. Бу рубоий Бобур асарларининг барча нашрларида қуйидагича берилган:

Гар руҳ дам этса эрди оҳанги нағам,
Мажлисда не ҳузн қолур эрди-ю, не ғам.
То борғоли руҳ дам беринг мажлисдин,
Мажлис элиға не руҳ қолди-ю, не дам.

Рубоийнинг нима муносабат билан ёзилганлигини билмаганликлари туфайли нашрга тайёрловчилар бир неча хатога йўл қўйганлар. Гап шундаки, Бобур ўз рубоийсини Руҳдам («Бобурнома»да Руҳдам деб берилган) отли санъаткорга бағишлаб ёзган. Куй, қўшиқ, санъатни юрагидан севган шоҳ Бобур ўз ўрдусига кўплаб мусиқачилар, қўшиқчиларни йиққан, уларга ҳомийлик кўрсатган, уларнинг санъатларидан баҳра олган. Бобур ва унинг яқинларининг бирон-бир йиғини, ўтиришлари қўшиқчи ва чолғучиларсиз ўтмаган. Бу ҳақда «Бобурнома»да маълумотлар бор. Унда бир қанча санъаткорларнинг отлари тилга олинади, шу жумладан Руҳдам ҳам зикр этилган. «Ушбу кун номози пешин сайр қила отланиб кемага кириб арақ ичилди. Аҳли мажлис:...(Бобурнинг дўстлари ва яқинлари санаб ўтилади — Қ. Э.) аҳли нағма: Руҳдам, Бобожон, Қосим, Юсуф Али, Тенгриқули, Рамазон». Бошқа бир ўринда ҳам санъаткорларни санаб ўтар экан, Бобур биринчи навбатда Руҳдамни тилга олади: «...аҳли нағма Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Юсуф Али, Тенгриқули, Абулқосим, Рамазон лўли».

Ана шундай ўтиришларнинг бирида Руҳдам қандайдир сабаб билан мажлисни тарк этади. Рубоий шу муносабат билан айтилган бўлиб, тўғриси қуйидагича бўлиши керак:

Гар Руҳдам этса эрди оҳанги нағам,
Мажлисда не ҳузн қолур эрдию,не ғам.
То борғоли Руҳдам бизнинг мажлисдин,
Мажлис элиға не руҳ қолди-ю, не дам.

яъни, Руҳдам нағма қилса мажлисда қайғу ҳам, ғам ҳам қолмас эди. Руҳдам бизнинг мажлисдан кетди-ю, мажлис элида руҳ ҳам, дам ҳам қолмади.

Нашрга тайёрловчилар атоқли от Руҳдамни икки жойда, «руҳ дам» шаклида берганлар ва «бизнинг мажлисдан» иборасини «беринг мажлисдан» деб ўқиганлар.

Ниҳоят, бизнинг диққатимизни тортган сўнгги рубоий мана бу:

Йиллар тилаб ишни қаю сақлаб турдим,
Юз жаҳд ила ишни мунга еткурдим,
Мардона бўл эмди, яхшидур иш келиши,
Тенгрига сени, элни сенга топшурдум.

Фикримизча, бу рубоий Бобурнинг умри охирида ёзилган сўнгги шеъри бўлиши керак. Мазкур шеър Бобур мирзо тахт ва тожни ўғли Ҳумоюн мирзога топширган пайтида яратилган. Бу воқеанинг қандай бўлиб ўтганини Бобур мирзонинг қизи Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида ёзган. Унинг айтишича, тахтни топширар экан, Бобур мирзо бекларга ва Ҳумоюнга васиятлар қилган. Ҳумоюнга у: «Ҳумоюн, укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эса тангрига топшираман», деган. У шу сўзларни айтганда ўша ердагиларнинг барчаси йиғлаб юборган. «Бу сўзлардан у ерда турганлар ва буни кўрганларнинг ҳаммаси йиғлаб юборишди. Подшоҳнинг муборак кўзлари ҳам ёшга тўлди», — деб ёзади Гулбаданбегим. Юқоридаги рубоий ана шу васиятнинг шеърий ифодасидир. Рубоийдаги «Тенгрига сени, элни сенга топшурдум» деган мисра буни яққол кўрсатиб туради.

Бобур мирзо бу воқеадан кейин уч кун яшаган. «Уч кундан сўнг ўткинчи дунёдан абадий дунёга ўтдилар» деган сўзларни ўқиймиз «Ҳумоюннома»да. Шунга кўра, мазкур рубоий Бобур мирзо битган сўнгги шеър деб айта оламиз.

Владимир ШАПИРО:

ТЕАТРИМИЗНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ КЎП

Максим Горкий номидаги Рус давлат академик драма театри ижодий жамоаси, мана, 60 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбек театр санъати равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу театр саҳнасида қўйилган кўплаб спектакллар санъатимиз зарварақларидан ўрин олди. Унда кўплаб ажойиб актёрлар етишиб чиқди. Театр ўзининг 60 йиллигини нишонлаши арафасида шу даргоҳнинг бадиий раҳбари Владимир Михайлович ШАПИРО ҳузурида бўлиб, юбилейга тайёргарлик ва 1995 йилги режалар хусусида суҳбатлашдик:

— Олтиш йилдан буён ўзбек ерида Горкий номидаги Рус театри муваффақиятли ижод қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида театр республикамиздан ташқари кўп жойларда — Болтиқбўйи республикаларида, Россияда, Украинада спектакллар намойиш этиб, у ердан мухлислар орттириб қайтди. Саҳнамизда рус классикаси ва замонавий рус ҳамда чет эл драматургларининг асарлари билан бирга, ўзбек классикаси, ҳозирги замон ижодкорларининг асарлари ҳам муносиб ўрин олди. «Бой ила хизматчи», «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши», «Шарқ тонги», «Мирзо Улуғбек», «Қонли сароб», «Келинлар қўзғолони» каби спектакллар шулар жумласидандир.

Йиллар давомида ажойиб актёрлар ансамбли шаклланди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин республикамизга эвакуация қилинган санъаткорларнинг театрда ишлаб қолишлари, бу санъат даргоҳи мавқеининг кўтарилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда ҳам кучли актёрлар труппаси фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Ўзбекистон халқ артисти Владимир



Русинов, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Лариса Михайлова, Ирина Авдюшкина, Нина Мягкова, Валерий Цветков, артистлар Александр Дубровин, Галина Луковникова, Виктор Вержебицкий, Олга Володина ва бошқалар бор.

Бу йил биз учун алоҳида — юбилей йили эканини назарда тутиб, жиддий ишларни режалаштирганмиз. Театр юбилейини 27 март — Халқаро театр кунида нишонлаш ниятидамиз. Шубҳасиз, бу катта тантанали кеча бўлади.

Ҳозир эса ўзимизнинг актёр, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Владимир Баграмовнинг «Делфинга марсия» асари асосида спектакл қўйиляпти. Уни Тошкент Давлат Санъат институтининг дипломанти Искандар Шермуҳамедов саҳнага олиб чиқади. Саҳна безакларини Алишер Шермуҳамедов ишламоқда.

Яна Молернинг «Жорж Данден» асарини Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театридан таклиф этилган режиссёр Евгений Волобоев қўймоқда.

Билсангиз керак, биз кўпчиликка у қадар маълум бўлмаган асарларни бир туркум остида саҳналаштириб келяпмиз. Шу вақтгача Август Стриндбергнинг «Графиня Юлия», Жан Коктонинг «Муқаддас махлуқ», Эжен Ионесконинг «Кал қўшиқчи аёл» каби асарларини томошабинларга ҳавола этдик. Ҳозир эса Артур Копитнинг «Дада, дада, азизим, дадажон...» деб бошланувчи узун сарлавҳали бир пиесаси устида ишлаяпмиз. Бу трагифарсни ўзим саҳналаштираман.

Хуллас, бу йилнинг бошидаги дастлабки ишлар. Ҳали йил охиригача яна кўп хайрли ишлар бизни кутиб турибди.

Томошаларимизга келганлар баридан хабардор бўлиб боришлари шубҳасиз.

Г. УМАРОВА суҳбатлашди

Доимий ҳамроҳ

БОБУРИЙЛАР МЕРОСИ

Истиқлолдан кейинги йилларда миллий қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгариб бораётганлиги туфайли халқимиз маънавий хазинаси тобора бойиб бормоқда. Шу давргача кенг китобхонлар оммаси кўзидан яширин сақланаётган нодир асарлар кўплаб нашр этилмоқда. Жумладан, улуғ саркарда ва адиб, ҳаққўй муаррих, ҳассос шоир, етук ислоҳотчи ва фақиҳ, қомусий билимли аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар ижоди билан бугунги ўқувчилар кенгроқ таниша бошладилар. Сўнгги уч-тўрт йил ичида Бобур форсийдан ўзбек тилига назмда таржима қилган ҳазрати Хожа Убайдулло Аҳрорнинг «Рисолаи Волидия» асари, Бобурнинг ўзининг «Мубаййин» шеърий рисоласининг айрим китоблари, ўғли Комрон Мирзонинг «Девон»и нашр этилди...

Инсон ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол ва пок бўлиши керак. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзидан кейинги авлодларга қолдирган бой адабий меросининг асосий ғояси шу. Адибнинг ислом дини асосларини баён этган «Мубаййин» рисоласи эса ҳар бир мусулмон одам учун дастуриламал бўлгуликдир. Мазкур фиқҳга доир асарнинг иккинчи китоби — «Китобу-с-Салот» («Намоз китоби») Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти томонидан 40 минг нусхада босиб чиқарилди. Бу даъватномада аллома «намозлар отини, фарзини, вожибини, суннатини» батафсил «айтган».

«Намоз китоби»ни Саидбек Ҳасан нашрга тайёрлаган; масъул муҳаррири — Алибек Рустам.

«Мубаййин»нинг бешинчи қисми — «Китобу-л-Ҳаж» нашри ҳам шу нашриётда, шу олимлар томонидан амалга оширилган. «Ҳаж китоби»да Бобур шоирона услуб ва юксак бадиий савияда ҳаж қилиш шароитлари, ҳаж вақтлари, ҳаж арконлари, ҳаж суннати ва вожибларини мухтасар баён этган. Китоб 30 минг нусхада босилган.

Ҳар иккала китобни ҳам рассом Темур Саъдулла безаган.

Филология фанлари доктори Саидбек Ҳасан Бобур ва бобурийлар меросини оммалаштириш борасида самарали ижодий меҳнат қилмоқда. Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо девонининг мамлакатимиздаги, янглишмасак, биринчи нашри ҳам шу олимнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ёруғлик юзини кўрди. «Девон» «Ёзувчи» нашриётида «Жавоҳир» туркумида 50 минг нусхада нашр этилди (масъул муҳаррир — Алибек Рустам; рассом — А. Шеина; муҳаррир — Ф. Камолова).

Комрон Мирзо отаси — буюк шоиримиз Бобурнинг шеъриятдаги ҳаётбахш анъаналарининг давомчиси, катта истеъдод эгаси эди. у ҳам отасига ўхшаб шеърларини она тилида ёзган. Комроннинг мазкур девони Ҳиндистондан топилган учта нусха асосида нашрга тайёрланган.

Китобдан ҳассос шоирнинг ғазаллари, фардлари, рубоийлари, қитъалари ва маснавийлари ўрин олган.

Бу нашрга Комрон Мирзонинг форсий шеърлари киритилмаган.

Маълумки, Бобурнинг «Мубаййин» рисоласи Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга бағишланган. Ношир шуни эътиборга олиб Комрон «Девон»ига рисоланинг биринчи китоби — **«Эътиқодиййа»**ни ҳам киритган.

Умид қиламизки, Комрон Мирзо «Девон»и, Бобурнинг «Мубаййин» рисоласи олимларимиз томонидан ҳар тарафлама теран илмий тадқиқ этилади.

Истиқлол шарофати билан бобуршунослик анча жонлана бошлади. Сирдарёлик тилшунос олим Б. Тўйчибоевнинг «Бобур — тилшунос» (масъул муҳаррир А. Рустамов) рисоласи фикримизга бир далилдир. Китоб филология илмимизда ҳали етарли ишланмаган ғоят муҳим масалага бағишланган. Асар муқаддима ва хотимадан ташқари, «Бобур-товушлар тадқиқотчиси», «Бобур — сарфшунос» (морфология), «Бобур-сўзлар тарихи (этимологияси) тадқиқотчиси, «Бобур-услубиётчи», «Бобур-намшунос», «Бобур — умумхалқ тили ва адабий тил тадқиқотчиси», «Бобур — тилшуносликда янги назария яратувчи олим» каби бобчалардан иборат. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, олим Бобурнинг тилшунос сифатидаги фаолиятини анча батафсил ёритган.

Маълумки, бизга олий мактабларда қиёсий-тарихий тилшуносликка XIX асрда европалик тилшунослар асос солган, деб уқтирганлар. «Ваҳоланки, — дейди Б. Тўйчибоев, — бу масала дастлаб XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий томонидан жуда изчиллик билан амалга оширилган. У ўзининг «Девону луғотит турк»ида юқори Чиндан тортиб Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган кенг ва катта ҳудуддаги йигирмата туркий тилни қиёслаб ўрганган».

Алишер Навоий икки оилага — туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек ва эрон тиллари гуруҳига кирувчи форс тилини «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида солиштириб, ўрганади. Бобур эса, «Бобурнома»да уч оилага кирувчи бир неча тилларни солиштириб ўрганишнинг ажойиб намунасини кўрсатиб, дунё тилшунослигида янги назариянинг асосчиси сифатида майдонга чиқди», — дейди Б. Тўйчибоев.

Умуман, мазкур рисола Бобурнинг тилшунослик соҳасидаги хизматларини тадқиқ этиш йўлидаги хайрли қадамлардандир.

ИЛМИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

Тошкентда шаҳар ҳокимлиги, ЎзФА Тилшунослик институти, Ўзбекистон Маданият жамғармаси ва Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси ҳомийлигида Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Олимларнинг маърузаларида ва тезисларда асосан шаҳар ва вилоят топонимлари, минтақадаги қадимий ва замонавий номлар ҳақида сўз борди.

Тошкент (Тошканд) деганда илгари тарихий маданий минтақа, улкан ҳудуд — давлат тушунилган. Ўша пайтлар Тошкент турлича номлар билан аталган. Воҳанинг энг қадимий номи — Чоч (Чочистон) илк бор 262 йилда Эрон подшоси Шопур I нинг «Зардушт каъбаси» ёзувида қайд қилинган. Айни чоғда, воҳани ўраб турган тоғлар ҳам Чоч деб аталган. У араб битигидаги манбаларда Шош шаклини олган. Шаҳар ва минтақанинг Тошканд деб атала бошлаганига ўн аср бўлди.

Тошкент мамлакатимизнинг юраги, иқтисодий ва маданий маркази бўлиши билан бирга жаҳон маданияти ўчоқларидан биридир! Бу шаҳар ва вилоятнинг тарихи ва тақдири бутун Ўзбекистон тарихи ва тақдирининг минтақа топонимияси эса республика топонимиясининг таркибий қисмидир. Шунга кўра, конференцияда бутун Ўзбекистондаги ер-сув билан боғлиқ номлар ҳақида ҳам сўз борди.

Туркистонда қадимдан қолган топонимларни кўплаб учратиш мумкин. Шу билан бирга, айрим фотиҳлар, ҳукмдорлар топонимлардан ўз номларини абадийлаштириш мақсадида фойдаланганлар. Бундай «буюк арбоблар» шаънига ўзгартирилган топонимлар шўро даврида айниқса кўпайиб кетди. Кўплаб шаҳар-қишлоқлар, кўча-кўйлар, маданий-маиший муассасаларнинг номлари совет атамалари билан аталди. Ҳолбуки, топонимнинг ўз шакл-шамойили, жўғрофий номларга ном қўйишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Топонимлар атоқли отларнинг такомиллашган энг олий шаклларидир. Ана шу қонуниятни билмаслик топонимикамизга катта зарар етказди. Шаҳар-қишлоқларга, кўча-кўйларга оддий турдош отлар қўйиб, уларни атоқли от вазифасини бажаришга мажбур қилиш ва жойларга ҳуда-беҳуда киши номларини бериш, жойнинг табиий, тарихий, этнографик, иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олмаслик ноўриндир. Ахир, Бахт, Висол, Виждон, Уйланиш, Роҳат, Яшна каби сунъий номлар — турдош отлар қандай қилиб тарихий воқеликни, табиий шароитни, шу ернинг бошқа хусусиятини акс эттирсин?

Топонимнинг яна бир хусусияти унинг манзил-макон вазифасини ўташидан иборатдир. Масалан, жойнинг номи Кўктерак, Оқтош, Қизилсув, Мингчинор бўлса, бу ернинг хусусияти кўриниб туради. Гиламбоф, Дегрез, Арабхона қишлоқларида кимлар яшашини билиш қийин эмас. Ота-боболаримиз Гадойтопмас, Қулқишлоқ, Падаркуш, Песқишлоқ, Моховхона, Иштонсолди каби номлардан ҳам номус қилишмаган.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, республика ҳудудидаги жой номларини чинакам халқ мулкига айлантириш борасида катта ишлар қилинди. Бир қанча туман, шаҳар ва шаҳарча, қишлоқ кенгашлари ҳамда аҳоли яшаш жойлари номлари ўзгартирилди. Янгидан қўйилган номлар орасида мазмун-маъно жиҳатидан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам росмана миллий топонимлар учрайди. Масалан, Турон, Туркистон, Мирзаобод, Чағаниён, Қаршиобод, Сурхонбоши, Ҳуробод, Элобод... Шу билан бирга, янги қўйилган номлар орасида Ўзбекистон харитасида олдиндан қайта-қайта такрорланадиган топонимлар ҳам кам эмас: Бахт, Бўстон, Гулбаҳор, Гулистон, Наврўз, Янгийўл,

НОМ — НОМУС

Янгиобод каби номлардан баъзилари истиқлолдан олдинок 20-30 марта, ҳатто 70 марта, Янгиобод, Янгиҳаёт каби қишлоқлар номи эса 100 марталаб такрорланган эди. Бу почта-телеграф алоқаларида янглишишларга сабаб бўлади, топонимларни мазмунан кашшоқлаштиради. Жой тарихи, табиий шароити билан боғлиқ бўлмаган сунъий топонимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Бу ҳолнинг асосий сабаби шундаки, бундан икки йилча бурун, туманлар, шаҳарларни истисно қилганда, қишлоқ-овулларни номлаш ва қайта номлаш ишлари вилоят ҳокимликларига топширилганди. Улар эса бошқа вилоятларда қандай номлар қўйилаётганидан бехабар, ўзларича «чиройли» номларни қўяверишди. Боз устига, ҳозирга қадар Ўзбекистон шаҳар-қишлоқларининг мукаммал ўзбекча рўйхати йўқ, ҳаммаси аввал рус тилида тузилиб, сўнгра ўзбекчага «таржима» қилинганди. Ана шунинг оқибатида биз асрлар оша етиб келган ер-сув номларини бузиб ёза бошладик. Чунончи, Жалоир қабиласи номи билан аталган қишлоқларни Жалаер, Галақудуқни — Ғаллақудуқ, Сулдуз қавми номи билан юритилган қишлоқни Сувюлдуз, тарихий рўйхатларда Киргили деб аталган номни Қиргули, Бешоғочни — Бешёғоч, Сергелини — Сирғали деб бузиб талқин қилдик. Тошкандни-Тошкент; Ғазалкат, Ҳўжакат, Пискат, Паркат, Заркатни Ғазалкент, Ҳўжакент, Пискент, Заркент қилдик.

Янги замон номлашга ҳам янги талаблар қўяди. Бирон қишлоқ, шаҳар ёки кўчага исмини қўйиш билан шахс номини абадийлаштириш сиёсати коммунистик идеологиянинг сарқитидир. Профессор Абдумурод Маматов маърузасидан маълум бўлишича Парижда кўча-куйлар киши номлари билан аталмас экан. Нью-Йоркда, Лондонда ҳам шундай.

Шаҳар, қишлоқ номларини ўз ҳолига келтириш осон эмас. Бунинг учун бутун бошли мутахассислар жамоаси бир неча йил тер тўкиб ишлаши керак. Бизда эса топонимиканинг илмий-амалий жиҳатлари билан шуғулланадиган олимлар бармоқ билан санарли, даражада оз.

Анжуманда шундай тавсиялар ўртага ташланди: жуғрофий номлар ҳамда уларнинг мақоми тўғрисида мукаммал қонун яратилиши ва қабул қилиниши зарур. Унда жой номлари қонун томонидан ҳимоя қилинади, деб ёзиб қўйилиши керак. Ана шундай қонун қабул қилингунга қадар янгидан ном қўйиш ва номларни ўзгартириш ишлари тўхтаб турилиши маъқулдир. Топонимлар чет тилларда, ҳатто ўзбек тилида турли шаклларда ёзиб келинади. Шуни ҳисобга олиб жўғрофий номларнинг меъёрлаштирилган расмий ёзилиш шакли учун қайси муассаса мутасадди эканлиги белгилаб қўйилиши шарт. Шунингдек, унда номларнинг «Қизил китоб»ида топонимларнинг давлат каталогини тузиш масалалари ўз ифодасини топмоғи лозим. Бир номнинг республика ҳудудида бир неча марта такрорланиши маъқул эмасдир. Жойларни киши номлари билан аташга ҳам аста-секин барҳам бериш керак. Аҳоли яшаш жойлари ва бошқа иншоотларга ном бериш Олий Кенгаш назоратига олинса, мақсадга мувофиқдир.

Анжуманда шаҳар, қишлоқларга, кўча-кўйларга уларнинг табиий, тарихий, этнографик, иқтисодий хусусиятларини акс эттирмайдиган ҳавойи, сунъий номлар қўйиш ғайриилмий деб ҳисоблансин деган хулоса чиқарилди. Тошкентнинг тарихий номларини ўз ичига олган «Қизил китоб» яратиш лозимлиги қайд қилинди. Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммоларига, шаҳар ҳамда вилоятда тил масалаларига бағишланган йиғилиш-анжуманларни ҳар йили чақириб туришга келишилди. Топонимия комиссияларида ишлашга мутахассис илмий ходимлар жалб этиш фойдали эканлиги эслатиб ўтилди. Тилшунослик институти таркибида топонимлар ва бошқа номларнинг илмий мезонлари билан шуғулланадиган махсус номшунослик бўлимини очиш вақти келганлиги уқдирилди. Аҳоли яшаш жойларини бундан буён қишлоқ деб, қишлоқ кенгаши маъносидаги қишлоқ сўзини даҳа ёки тўпқишлоқ деб, посёлка маъносидаги шаҳарча сўзини кент ёки қасаба деб аташ тавсия этилди.

Суюн ҚОРАЕВ,
ЎзФА Тилшунослик институти катта илмий ходими

САМОВИЙ ҚИСМАТ

(Боши 1-бетда)

туғилмасданоқ, балки туғилмасдан юз йил, беш юз йил, минг, икки минг йил илгариёқ олам биноси билан зиддиятга киришган бўладилар. Уларнинг кўп маҳал қисқа кечадиган ҳаёти дунё зиддиятларининг марказига айланади. Оламнинг барча қувончи — азоби, бахти — бахтсизлиги, ўтмиши — келажаги, борлиғи — йўқлиги, ўткинчилиги — боқийлиги, маломати — масаррати уларда жам бўлади, мужассам топади. Барча англанган — англанмаган зиддиятлар қуюндай ўрлаб келади, битта қисмат деган нуқтага айланади ва одам юрагида ўрнашади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур олам тириклигининг барча пайдо — нопайдо зиддиятларини ўзида мужассам этган шундай нодир сиймо эди.

Пешонасида файзи илоҳий акслaниб турадиган бу кўркам йигитнинг бирор дами улуғ ва чигал зиддиятларсиз ўтган эмас! Бирор дами! Ва юрагида ҳиссиётлар бирор дам шиддатли зиддиятларсиз кечган эмас! Ва кўксидан бирор сўз зиддиятсиз — фарёдсиз чиқмаган. Ўн икки ёшида подшоҳ бўлиш — зиддиятларнинг қуюнидан дарак бермайдими? Ўн икки ёшида ҳам отасидан айрилиш, ҳам мумтоз амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг тажрибакор қўшинлари билан жангга кириш ва бунинг устига шиддатли ғалаба қозониш зиддиятлар бу йигитча бошида самовий тезликда қудратга кира бошлаганлигини кўрсатмайдими?

Бобур умрининг исталган бир онини олинг. Исталган онида самовий зиддиятлар талашларини кўрасиз. Бобур зиддиятлари тимсол даражасига кўтарилди ва у ўз зиддиятларини самовий даражада ҳис қилиб яшади. Ҳис қилгани учун ҳам, у ғайрат отига минди. Бобурнинг ғайратига қиёс топиш амри маҳол. Бобурнинг ғайрати тимсолга айланган. Ғайрат нима?— дейилганда, Бобур!— деб жавоб бериш мумкин. Балки бобоси Амир Темур ғайратига менгзаш тўғридир. Лекин, эҳтимол, бу ҳам нисбий. Ахир, бобоси ўзга маконларни макон тутмади. Диёрдан айрилмади. Қайда бўлмасин, жаннатий Самарқандга қайтиб келди.

Бобур ўзга маконни макон тутди. Диёрдан айрилди. Янги макон яратди. Янги маданият, янги турмуш мезонларига асос қўйди.

Назаримда шундай-ки, барча тўйинган уранлардан битта фойдали энергия манбаи яратилса, ана шу Бобур бўлади! Ана шунда Бобур ғайратига бирмунча қиёс келади. Миқёснинг ўзи шундай.

Одам боласининг барча истаклари зиддиятли. Бир истак замирида қават-қават истаклар уруғлаб ётади. Кулги ичида ҳўнграш эшитилади. Йиғи ичра кулги. Зиддиятлар истаклар йўқолгандагина тугайди.

Истаксизлик — зиддиятсизликдир. Бобур буни сўнгги дамда англаб етди. У барча истакларини ўлим тўшагида ётган Ҳумойунга берди. Бобурнинг самовий зиддиятдаги истаклари беморга жон ато этди. Ҳумойун тирилди. Бобур ўзини бир умр таъқиб этган барча зиддиятлардан қутулгандай бўлди. Ўлими билан тириклик яратди. Истаксизлик оламига кирди. У абадий қут топди. Уч кундан сўнг ўлди. Истаклари ва барча зиддиятларини келаси наслларга мерос қолдирди.

Ҳар ёнға-ки, азм этсам,
ёнимда борур меҳнат
Ҳар сори-ки юзлансам, ўтрумға
келур қайғу.

Бобурнинг ҳар сатрида унинг ўша самовий оқимдаги зиддиятлари ажиб бир тарзда ифодаланган.

У азим меҳнатдан янги салтанат—ватан, мислсиз қайғудан замонларга тобе бўлмаган сўз мулкини яратди.

Наслллар Бобурдан ғайратни ўргансинлар.

Иброҳим ГАФУРОВ

МИЛЛИЙ БОҒ БОҒБОНИ

(Боши 1-бетда)

Олам аҳли билингиз-ким, иш эмас
душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизга-ки, эрур
ёрлиғ иш.

Бугун улуғ шоир ҳайкали пойидаги дов-дарахтлар баҳорга кўксини очаётир. Қарағайлар ажиб бир бўй таратиб боғни сеҳрга буркаб турибди. Гўзал анҳор сувлари бир фурсат тин олган, қўш чархпалак ҳам ором олаётгандек. Чунки боғда бобомиз ўз даврида нақадар хуш кўрган бунёдкорлик ишлари давом этаётир. Тошкент шаҳар йўллар қуриш ва таъмирлаш ташкилотининг ишбошиси Асқарали Пўлатов шундай ҳикоя қилади:

— Хабарингиз бор — бу боғ улуғ шоиримизнинг 550 йиллик тўйларида, юртимиз мустақиллигининг илк кунларида очилган эди. Ўшанда лойиҳада режаланган жуда катта ишларнинг бир қисмигина бажарилган бўлса, энди навбатдаги ишларга ҳам киришдик...

Бугун боғда иш қизғин. Аввало боғнинг ўнг тарафидаги эски уйлар бузилиб, унинг ўрнида катта кўл бунёд этилаётир. Муҳташам ҳайкал пойидан оқиб ўтадиган Анҳор эса шу кўл томонга янги ўзандан оқади. Шунга муносиб тарзда боғдаги йўллар ҳам кенгайтирилмоқда. Чунки боғ кун сайин гавжум бўлиб бораётир. Озод Ватанимизга ташриф буюраётган меҳмонлар, катта-кичик давлатларнинг раҳбарлари энди асло бу боғни кўрмай, ҳазрат Навоий бобомиз ҳайкалини зиёрат этмай кетмайдилар. Боғни янада гўзал қилиб қўйиш, одамлар ҳордиқ оладиган масканларни кенгайтиришнинг савобига нима етсин.

Биз боққа келганда Навоий даҳосига таъзим бажо айлаймиз. Зеро, улуғ ҳазрат замонидан то бизнинг кунларга қадар орада фақат вақт, замон масофаси эмас, маънавият масофаси ҳам ҳосил бўлгандек. Улуғ шоиримиз ижодига қанчалар кўп мурожаат қилсак, у бебаҳо шеърият уммонидан қанчалар дурлар терсак, ўзимиз ҳам шу қадар покланиб, кўнгил ойналаримиз равшан тортиб, маънан юксалиб борамиз. Навоий чамани, улуғ шеърият гулшанидан гуллар териб, у боғ узра эсаётган пок насимлардан, тоза чечаклар ифоридан баҳраманд бўлсак—ўзимизни шу қадар бахтли ҳис этамиз, тоза чашмалардан сув ичган кўнглимиз таскин топади. Инсон фарзанди учун шундан-да улуғ бахт борми?

...Етти йил аввал эди. Мустабид тузум замони. Ҳозирги Мустақиллик майдони. Ўзлигини англаган юртнинг ёш кўнгиллари Навоийдан мадад олиб, улуғ ҳазрат беш юз йил бурун кўтарган яловни бошлари узра сарбаланд тутиб, она тиллари қадрини сўрадилар.

Бу фақат тил қадри учун эмас, юрт қадри, халқ қадри, ватан қадри учун, ватанни озод кўриш учун жўш урган юраклар даъвати эди. Оллоҳ ёрлақаган, пирлар мададга келган муборак кун эди бу.

Ўшанда ҳозир биз пойида бир зум уйга ботиб ўтадиган мана бу улугвор ҳайкал ҳам, шу мўъжаз хиёбон ва унинг ёнидаги гўзал чаманнинг Миллий боғ дея аталмиш муборак номи ҳам йўқ эди. Орадан кўп ўтмай онглар ва шуурларда яшаган, жўш урган ўшал орзу-истаклар рўёбга чиқди. Не тонгки, юртнинг озод тонглари шеъриятимизнинг беназир соҳибқирони байрамига тўғри келди. Улуғ ҳазрат хиёбони пойида худди Навоий давридагидек юртга ош тортилди. Юрт раҳнамолари, аркони давлат соҳиблари эл билан ёнма-ён туриб бир дастурхондан таом едилар, ўзаро мулоқот қилдилар, озод Ватан келажагидан сўз очдилар. Халқини яккалам қилиш умидида жафо чеккан улуғ шоир ҳам олис Ҳиротдан Ватаннинг хушвақт кунларини кўргани келгандек эди. Бу чинакам тарихий воқеалар бутун жаҳоннинг назарида, етти иқлимдан хурсандчилик кунларимизни баҳам кўриш учун келган турфа меҳмонлар кўз ўнгида юз берган эди.

Миллий боғ ичра кезиб ўша дамларни эсларканман, ўз-ўзимга савол бераман: «Эй инсон боласи, мана она тилинг бурро, Ватанинг озод бўлди. Яна не армонинг бор?» Мен яратганга, тақдирга шукроналар айтиб, улуғ бобомиздан йироқ юрган замонларда руҳимизни кемирган ташналик, маънавий чанқоқликдан тезроқ қутулсак, деб орзу қилардим. Сир эмас, у улуғ зотнинг маънавият дарёси биздан анча узоқлаб кетган замонлар бўлди. Биз улуғ наҳрдан чанқоғимизни қондиргани борардиг-у, бироқ ташналик ўтгач, олдимизда бир улуғ дарё ҳайқириб оқиб ётганини кўра олмайдиган басирларга айланиб қолгандик... Бугун шу улуғ маънавият дарёсидан тўйиб-тўйиб сув ичиб руҳимизни покласак, кўзларимиз равшан тортиб, шууримиз тиниқлашса — эндиги орзуимиз ҳам, армонимиз ҳам шу!

М. АБДУЛЛА

Кеча шоир ва ёзувчилар, навоийшунос олимлар, адабиёт мухлислари, жамоатчилик вакиллари Алишер Навоий бобомизнинг Миллий боғдаги муҳташам ҳайкали пойига гуллар қўйишиб, улуғ шоиримизнинг таваллуд топган кунларини ёд этдилар. ЎзРФА Адабиёт институтида Навоий адабий ва илмий меросига бағишланган анжуман бўлди. Олий ўқув юртлари, мактаблар ва лицейларда ҳам улуғ шоиримиз ижодига бағишланган адабий кечалар, мушоаралар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Муаллиф фикри

КЎЗГУ — РУҲ ПОКЛИГИ

Омон Мухтор бадиий ижодда бир неча йиллар мобайнида истеъдоди даражасида қалам тебратиб, тиним билмай изланиб келаётган кўплаб шеърий китоблар, қисса ва романлар муаллифи. Бир сўз билан айтганда у ўз йўли ва ўз ўқувчисини топган, мавзу ва дунёқарашини аллақачон белгилаб олган адиб.

Бироқ Омон Мухторнинг кейинги йилларда адабий тажрибаларга дадил қўл ураётгани унинг катта журъатидан далолатдир. Бу, такрор айтаман, ижодда ўзининг равиш-рафторини топган ёзувчининг онгли журъатидир. Китобхонлар адибнинг «Йиллар шамоли» номли илк романини эсласалар керак. Мен ҳам яхши эслайман: бир адабий йиғинда, анча йиллар бурун, бу роман ҳақида талайгина танқидий фикрларни эшитган муаллифнинг ўша лаҳзаларда ўйга ботиб, ташвишланиб турган ҳолати кўз ўнгимда...

Ёзувчининг «Дунёда бўлган, бор, туғилажак энг гўзал инсонларга» бағишланган «Минг бир қиёфа» романи ўтган йили чоп этилди. Ўтган йили Омон Мухтор яна бир роман эълон қилди. «Кўзгу олдидаги одам» деб номланган бу асар «Минг бир қиёфа»нинг фалсафий-мантиқий давоми. Бу асарларда «Йиллар шамоли»даги Омон Мухторни кўрмайсиз, у ўзгарган — унинг ижоди ҳам шакл ва ҳам мазмун бобида янгиланган... балки эскиргандир — балки адабиёт ишига, сўз санъатининг асл моҳиятига қайтгандир. Ҳозир гап бу хусусда эмас.

Адиб билан суҳбатга чоғланиб, мен унинг янги «Тепаликдаги хароба» романи қўлёзмасини ўқиб чиқдим. Муаллифни табриклаб, таассуротларимни айтдим ва суҳбатимиз, асосан унинг «Кўзгу олдидаги одам» («Шарқ юлдузи», 1994 йил, 5-6-сонлар) романи ҳақида борди.

А. ОТАБОЙ: — Омон ака, ғайрат қилибсиз, нари-бериси билан саккиз-ўн йил ичида учта роман! Ёмон эмас!

О. МУХТОР: — Ҳа, энди саккиз йил — ижодий режанинг якунланишига кетган вақт бу, шу романларни ёзиб тугатишга кетган фурсат. Мен, нокамтарликка йўймайсиз, бу туркумнинг юзага келишига умримнинг 20 йилини сарфладим. Ўзингизга маълум, мен асарларимда акс эттиришни ният қилган яхлит концепцияни, воқеалар, образларни, энг муҳими, шакл бобидаги изланишларимни советлар даврида юзага чиқара олмасдим. Қолаверса, Шарқ фалсафаси ва қадриятларимизни очиқ ифодалашнинг ҳам у пайтларда имкони йўқ эди.

ИЗОҲ: Дарҳақиқат, совет даврида бундай асарлар социалистик реализмда чекиниш, совет воқелигини бузиб кўрсатиш, деб баҳоланиши тайин эди. «Кўзгу олдидаги одам» анъанавий романлардан фарқ қилади. Нимаси билан? Аввало структурасига кўра: асарда муайян воқеалар тизими йўқ, қаҳрамоннинг бошидан кечирганлари саргузаштга ўхшаб кетса-да, аслида унинг ботинида рўй бераётган руҳий жараёнлар; бу жараёнлар тасвири реалликдан ҳоли, хаёлий, мажозий. Булардан ташқари романдаги тасвирлар шартли, рамзий. Балки шу боисдандир, муаллиф «асарига кирмай қолган» сўзбошида: «Кимдир асарни ҳаётий, кимдир ғирт тўқилган экан, дер. Шакли кимгадир мураккаб, кимгадир жўн туюлар... Мен учун бу — аҳамиятсиз!» деб ёзади.

Мен шуларни назарда тутиб, адибдан ўзининг ижоди, қолаверса, ҳозирги ўзбек насри учун синалмаган услубни танлаганининг сабабини сўрадим.

О. МУХТОР: — Бизнинг адабиётимиз совет даврида улкан Шарқ ва Ғарб адабиётларидан узилиб яшади. Мана шу даврда яратилган асарлар, нафақат асарлар, балки бутун адабиёт ғояга бўйсундирилди. Аслида ғоя ҳам керак, муайян ғояни акс эттирмаган қисса ёки романни тасаввур қилиш қийин. Бироқ ҳар қандай ғоя гўзал, кутилмаган шаклларда ифодаланиши керак.

Масалан, Шекспирнинг машҳур «Макбет»ини олинг. Ундаги ғоя қанақа! Бироқ фантастика ҳам, детектив ҳам бор. Ёки ўзимизнинг халқ эртакларида хаёлот олами нақадар кенг! Кутилмаганлик, тасодиф нақадар кучли. Биз ижтимоий масалаларни кўтарамиз, деб шу даражага етдикки, асарларимизда сирлилик, соҳирлик йўқолиб қолди. Ҳаттоки, китобхонлар ҳам бу сеҳр, жозибани унутиб қўйишди. Бу вақт ичида жаҳон адабиёти ҳар жиҳатдан бойиди, ўзгарди, янги усуллар, янги оқимлар пайдо бўлди. Ҳозирги замонда детектив, саргузашт, фантастикага қурилган асарлар дунё адабиётида муҳим ўринни эгаллайди.

А. ОТАБОЙ: — Демак: «Кўзгу олдидаги одам»нинг пайдо бўлишида Ғарб адабиётидаги тамойилларнинг таъсири бўлган...

О. МУХТОР: — Йўқ, аксинча. Мен ўзимда Шарқ маданияти таъсири кучли эканини ҳис этаман. Бунинг сабаби бор.

Менинг отам Сулаймонхўжа Мухторов уламо, ўқимишли, Шарқнинг билимдони, маърифатга берилган киши эди. Форсча, арабча, туркча китобларни қийналмай мутолаа қилардилар...Болаликдан мен шарқона ахлоқ ва дунёқараш руҳида тарбия топдим ва бу менинг ижодий изланишларимда етакчилик қилди.

Бироқ, Шарқ фалсафасини шунчаки баён қилишнинг қизиғи йўқ, чунки бундай ишнинг илмий аҳамияти бўлиши мумкин, холос. Шу боис миллий тафаккурни замонавий шаклларга солиб, бадиий ифодалашда Ғарб адабиёти намуналаридан ҳам ўрганиш катта фойда беради.

Ўрни келганда айтиб ўтай, сўнгги йилларда адабиётимизда Ғарб санъати, адабиётига эргашиш анчагина сезила бошлади. Айниқса, ёшларнинг ижодида буни тез-тез кузатаман. Уларнинг машқларида миллий заминдан узилган ҳоллар ҳам мавжуд. Биз қандай оқимга эргашмайлик, кимлардан ўрганмайлик, ўзимизнинг теран шарқона илдизлардан келиб чиқишимиз, шу илдизлардан узилиб кетмаслигимиз керак.

ИЗОҲ: Дарвоқе, адабиётгина эмас, китобхонлар ҳам Шарқнинг бой адабий-фалсафий меросидан узилиб қолдилар, айниқса, совет замонида суяги қотган авлодлар билими, савиясида бу аниқ сезилиб туради.

Шу боисдан ҳам ўқувчилар «Кўзгу олдидаги одам» романидаги етакчи ғояни Раҳмон ва Шайтон — Эзгулик ва Ёвузликнинг абадий курашига бағишланган анъанавий оғзаки ва ёзма мерос намуналаридан келиб чиқиб чуқурроқ тушунишга, таҳлил этишга бироз қийналишлари мумкин. Масалан, романдаги асосий персонаж, яқинда қабрга қўйилган Сирож муаллимнинг чойхонада уч-тўрттаси билан пинҳона шивирлашиб ўтирганини кўрган бош қаҳрамон «жони товонига тушиб» бу сирни билиш учун муаллимнинг ҳовлисига борганда Сирож муаллимни ертўлада учратади. Ёки яна бир персонаж марҳум учувчи Бадалбек оила аъзоларининг кўзлари мудом осмонда, ҳовлиси эса вараққа тўлиб кетган...

Мен ёзувчидан сўрадим:

— «Кўзгу...»ни ўқиганлар сизга савол билан мурожаат қилишяптими?

О. МУХТОР: — Ҳа, роман «Шарқ юлдузи»да эълон қилинганидан кейин қизиқ ҳолат бўлди: бир хил кишилар «Раҳмат! Ўқидик!» дейишди, иккинчи хил одамлар эса «Тушунмадик», деб айтишди. Бунинг сабаблари кўп. Бу бир томондан бугунги китобхонларнинг билими, саводхонлик даражаси, савияси билан боғлиқ. Афсуски, биз баъзи китобхонимизнинг бугунги савияси билан мақтанолмаймиз. Қолаверса, ёзувчининг вазифаси барчага бирдай тушунарли асар ёзиш эмас-ку. Асар кимгадир ёқиши, кимгадир ёқмаслиги мумкин.

А. ОТАБОЙ: — Тўғри, бироқ «мураккаб» асарлар китобхонни тарбиялайди — дидини чархлайди...

О. МУХТОР: — Биз шундай даврга келдикки, энди ўн-ўн беш йил бурунги асарларни ўқиш қийин. Боз устига ўша пайтлардагидай қилиб асар ёзиб ҳам бўлмайди. Жуда кўп асарларимиз маълум бир даврни акс эттирган, бир доира теварагида айланган, шундан нарига ўтмаган. Ҳар қандай давр тасвирини қаламга олганда абадий ҳолатлар, лаҳзаларни акс эттириш, адабиётнинг абадий мавзуларига ёндошишга уриниш лозим, деб ўйлайман. Мана, масалан, китобхон «Гулливер» ёки «Робинзон...»да қайси давр акс этгани билан ҳеч қизиқмайди. Ўқувчиларни давр тасвиридан ташқаридаги — бу асарлардаги сеҳру жозибалар, сирлилик, тасодифлар ушлаб туради.

Мен «Кўзгу...»да баҳоли қудрат, шунга ҳам ҳаракат қилганман.

А. ОТАБОЙ:— Сирож муаллим, ўз номи билан маълим, бироқ Иблис қиёфасида келади. Учувчи Бадалбек фидойи, лекин қилган иши зиён — ерга дори сепади...

О. МУХТОР: — Баъзан нобоп кимсани кўрсатиб, у — Иблис, дейишади. Иблис шаклида юрган одамлар бор. Мен тескарисини олдим: одам шаклида юрган Иблисни кўрсатмоқчи бўлдим. Дунё адабиётида бу ишланган мавзу. Сирож муаллим, аслида инсонлар онгини очиши, зиё тарқатиши керак, лекин ўзини инсон тарбияси учун масъул деб ҳисоблайди-да, йўл кўрсатувчилик, раҳнамолик, доҳийлик қилади — онгни заҳарлайди. Бадалбек — фидойилик тимсоли, у буйруқни бажаради, солдат; унинг фидойилиги, сўзсиз итоати, қулдай хизмати оқибати шуки, у тупроқни заҳарлайди... Хуллас, «Кўзгу...» — руҳ поклиги ҳақидаги асар, дейиш мумкин.

А. ОТАБОЙ: — Китобхон романдаги рамзларга, мажозларга жойлаган маъноларни илғамай қолади, деган хавотирингиз йўқми?

О. МУХТОР: — Йўқ, бундай хавф йўқ. Асарда Иблис очиқ келаяпти, очиқ тасвирланяпти. Бош қаҳрамон Валижоннинг кимлигини исми айтиб турибди. Бироқ мен тайёр «авлиё»ни олмадим, тирик инсон образини чизишга уриндим, уни чиғириқдан ўтказдим, гарчи исмини Вали деб қўйган бўлсам-да...

Инсон қуллигини энг даҳшатли жойи унинг руҳий қуллигида. «Кўзгу...» — руҳ қул қилингани ҳақидаги асар.

ИЗОҲ: Шу ўринда мен муаллифнинг роман сўзбошисидаги: «Ҳар ким ўз челаги билан сув тортади», деган гапини эсладим. Албатта, биров бу романни яқин ўтмишимиз — тоталитар тузум ҳақида дер, бошқа биров эса уни адабиётнинг боқий мавзуларига боғлаб изоҳлар. Айтганча, муаллиф ҳам буни олдиндан сезиб, сўзбошида шундай ёзган: «Асар, асосан кечаги кунлар тўғрисида. Аммо ёзувчи бунинг учунгина ёзмайди. Унинг олдиндан белгили вазифаси бўлади».

Бу вазифани «Кўзгу...» мисолида аниқлаштириб айтишни сўраганимда, Омон Мухтор шундай деди:

— Ҳақиқатан, менинг бу уч романим, айниқса, «Кўзгу олдидаги одам» кечаги кунлар ҳақида, тоталитар тузум тўғрисида. Бироқ инсон бор экан эзгулик ва ёвузлик, руҳ эркинлиги ва руҳ қуллиги мавжуддир.

Бу романлар мустақиллик нишонаси деб биламан, чунки, биз мустақилликка эришмасак, Шарқ фалсафасига, муқаддас эътиқодларга қайтмасак, мен бу асарларни ёза олмасдим ҳам, чиқара олмасдим ҳам.

А. ОТАБОЙ: — Омон ака, роман матни — иборалар, гаплар, диалогларнинг қурилиши одатдагидан бошқачароқ, баъзи жойлари сочма шеърларга ҳам ўхшаб кетади.

О. МУХТОР: — «Кўзгу...» бош қаҳрамон Валижон тилидан ҳикоя қилинди. Буни бошқача ёзиб бўлмасди. Бу асар бир одамнинг нидосидай чиқишига уриндим. Нидони бошқача тарзда бериб бўлмайди. Романни дастлаб ўқиган оддий китобхонлардан бирортаси ҳам нега ёзилиши бундай, деган саволни бергани йўқ. Аксинча, зиёли дўстлар шундай саволни беришди. Бунинг сабаби бор. Чунки оддий одам шундай гапиради, яъни романдаги сиз сочма шеърга ўхшатгандай тарзда.

А. ОТАБОЙ: — Хуллас, Сирож муаллим... Иблис юрибди — чойхонада, кўча-кўйда, ертўлада — ҳар жойда. Унинг ҳовлисидагилари эса разолат ботқоғида. Бадалбекнинг оиласи ҳам ғалати аҳволда: хаёллари паришон, кўзлари осмонда... ҳовли тўла варрак. Муаллимнинг заиф эридан ёлчимаган қизи Мамлакатхон Валижонга кўз сузади...

...Валижон эса изтироб ютади:

«Кўчада бошим оққан томонга югурар эдим.
Бу гал мен фақат Мамлакатим учун
йиғлар
эдим».

Романдан қоладиган таассурот оғир...

О. МУХТОР: — Дунё адабиётидаги мумтоз асарларни олинг, масалан, «Гамлет», «Отелло».. оғирмасми? Инсон драмасининг ўзи оғир. Қолаверса, эзгулик ва ёвузлик ўртасида қолган инсон фожиаси...

Бироқ мен романларимни тағин ўша шарқона қиссадан ҳисса — кўтаринки пафос билан якунлаганман, деб ўйлайман. Чунки бу керак.Чунки, бизнинг халқимиз чинакам бахтга интиқ, бахтли, саодатли, фаровон яшашга ҳақли халқ.

ИЗОҲ: — Суҳбат мобайнида ёзувчи ҳар учала романни бир жилд, бир умумий ном остида нашр этиш нияти борлигини айтди. Трилогиянинг номи мени қизиқтирди: «Нега «Тўрт томон қибла» деб номладингиз?», деб сўраганимда Омон ака ҳазил аралаш оҳангда айтди: «Ҳа, яқин ўтмишда ҳаммамиз учун тўрт томон қибла эмасмиди? Қолаверса, халқда гап бор: тўрт тарафинг қибла, бор, боравер, дейди...».

Шундан сўнг энди нималар ҳақида ўйлаяпсиз, нималарни режалаштираяпсиз, яна роман ёзиш ниятидамисиз, ёзсангиз қанақа услубни танламоқчисиз, деган маънода берган саволимга адиб жавоб бериб деди:

— Эртанги кун адабиёти сирлироқ, қизиқарлироқ бўлмай иложи йўқ. Анъанавий асарлар ҳам ёзилаверади. Қандай бўлмасин, мен бундан кейин зерикарли, ғиштдай нарса ёзмайман, деган фикрга келдим. Бундан кейин яна шу йўсинда ёзавераман, деб ҳам айтолмайман. Энди, такрор айтаман, 10—15 йил бурунгидай асарлар ёзиб бўлмайди, ёзилганда ҳам ундай асарларни ўқишмайди. Устоз Абдулла Қаҳҳор биз қачонгача деҳқонга деҳқончилик қилишни ўргатамиз, дер эди. Ҳар ким ўз ишини қилиши керак...

Аҳмад ОТАБОЙ суҳбатлашди

ЯККА ДАРАХТНИНГ ЖАРОҲАТЛАРИ

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» асари асосида ишланган видеофилмни кўриб...

«Сўнгги ўқ» видеофилмидан кўриниш

Эркин МУҲАМЕДОВ суратга олган

Баҳо фақат одамга ёки бирор бир асарга берилмайди. Балки ўтган кунлар, йиллар ва даврлар ҳам вақти-соати етиб жиддий баҳоланади. Ўтган кунларнинг паст-баланд, яхши-ёмон жиҳатлари адолат тарозусига қўйиб ўлчанади. Ҳозир юртимизда мустақиллик чуқур илдиз отиб бораётган шиддаткор замондан туриб, кечаги мустамлака даврининг ёруғ ва қоронғи саҳифаларини ҳақ мезони билан баҳолаётирмиз. Шўро тузумининг ҳар қандай жабру ситамларини ҳақиқат ва озодлик кўзгусига солиб кўраётирмиз. Энди бу кўзгуда нималар, қандай аянчли манзаралар намоён бўлаётганлиги ҳаммамизга аён. Хуллас, инқилоб бизларга нима берди ва нималардан жудо қилди? Миллатимизни қандай кўргулик ва куйгуликларга солди? Ушбу саволларга Ўзбекистон телевидениесининг бир гуруҳ ижодкорлари томонидан яратилган «Сўнгги ўқ» видеофилмини кўргач, бир қадар жавоб топгандай бўласиз.

Ҳар қандай видеофилм ҳам телетомошабинларнинг назарига тушавермайди. Ёки уларнинг қизғин бахс-мунозараларига асос бўлавермайди. Таниқли адиб Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» қиссаси асосида суратга олинган ушбу видеофилм ҳақли равишда томошабинлар ва мутахассисларнинг ижобий баҳоларига сазовор бўлди. Қисқа давр ичида телевидение орқали икки марта намойиш этилди. Видеофилмнинг сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёри Ҳайбатилла Алиев. Гап аввалида шундай қизиқарли ва мазмундор видеофилм яратганлигини маълум маънода режиссёрнинг жасорати деб баҳолаш ўринли бўларди. Юқорида айтганимиздек, юртимиз мустақил бўлиб, халқ ўзини ва ўзлигини англаётган бир даврда шундай телеасарга катта эҳтиёж бор эди. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг ушбу қиссаси 1989 йили «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилингандан буён режиссёр Ҳайбатилла Алиевни қизиқтириб келарди. Ўша даврларда асар мавзусини экранга олиб чиқиш бироз қийин эди. Ҳозир ҳам бу жараён осон кечгани йўқ. Битта камера, битта микрофон ва техник жиҳатдан қийин бир шароитда етти қисмдан иборат видеофилм яратилди.

Асарда собиқ Шўро тузумининг инсоният устидан ўтказган даҳшатли ва зулмкор тажрибаларидан бири мураккаб тақдирли қаҳрамонлар образлари орқали кўрсатилган. Инқилобдан сўнг юртнинг бойларига қирғин келди. Уларнинг мол-мулклари мусодара этилиб, ўзлари шафқатсизларча қулоқ қилиндилар. Бу фалокатни олдинроқ сезган айрим бойлар чет мамлакатларга бош олиб кетиб қолишди. Асар қаҳрамони Жаҳонгир (актёр Ёдгор Саъдиев) бой хонадоннинг фарзанди. Улар ҳам қариндош-уруғлари билан Қашқарга ўтиб кетаётганларида бир тасодиф туфайли Жаҳонгир шу ерда қолиб кетади. Шу билан унинг фожиали ҳаёти бошланади. У биринчи марта 1922 йилда қамалади. Сўнгра 1938 йилда, охирги марта эса 1947 йилда ҳукм қилинади. Ҳар учала қамалишида ҳам у бегуноҳ эди. Видеофилм унинг сўнгги марта қамоқдан озод бўлиб келиши ва айнан ўша кунларда рўй берган бир қотилликда яна уни гумонсирашиб; ҳибсга олиш воқеалари билан бошланади. Тергов ишларини милиция майори Санжар Солиҳов (актёр Эркин Комилов) ўта зийраклик билан олиб боради. Негадир, қотилликни дарҳол бўйнига олаётган мўмин-қобил Жаҳонгирнинг одам ўлдирганига ишонмайди. Шу боис ҳам у терговлар жараёнида шошма-шошарлик билан иш тутмайди.

Видеофилмнинг асосий воқеалари Жаҳонгирнинг аянчли хотиралари ва милиция майори Санжар Солиҳов билан сўроқ жараёнида бўлиб ўтади. Хўш, Дайди далада отилган марҳум Сиддиқбек Шариповнинг қотили ким? «Гўллик ярашмайди. Терговни чалғитаман, деманг. Сиз қотилни яшираяпсиз», дейди майор. Жаҳонгирнинг хаёлларида эса акаси Оламгир (актёр Пўлат Саидқосимов) билан боғлиқ воқеалар гавдаланади. Акаси қандайдир тасодиф туфайли ўз отасини ўлдиради. Жаҳонгир эса акасидан отасининг қасосини олмоқчи бўлади. Лекин у, барибир, бу ёмон ниятидан қайтади...

Отаси ва акасини эслаш баробарида асар воқеалари 1936 йилга кўчади. Ўша йили у қамоқдан чиқиб, қишлоғига қайтади. Қишлоғида шўролар аллақачон «Қизил омоч» колхозини тузишган. Уларнинг уй-жойлари мусодара қилиниб, колхоз идорасига айлантирилган. Буни кўриб Жаҳонгирнинг юраги зирқирайди. Сотиболди раис (актёр Мавлон Ғофирбеков) уни бойнинг боласи деб ҳақорат қилади, яна қаматиб юбораман, деб дўқ уради. Чунки бу раис кўпчиликни қулоқ қилиб юборган колхознинг зараркунандаларидан бири эди. Жаҳонгир унинг башарасига мушт туширади. Бундан бошқа йўли йўқ эди. Шундай сўнг у дўсти Дамин (актёр Ҳожиакбар Нурматов) билан учрашади. Дамин образи орқали муаллифлар қатағон йилларида азоб-уқубатларга дучор бўлган маърифатпарвар инсонлар фожиасини кўрсатганлар. У Абдулла Қодирийнинг китобини ўқиб бергани учун саккиз йилга қамалиб чиққан. Ҳақиқатгўй Даминни милиция майори билан терговчи Жабборов (актёр Ҳамид Ғафуров) бир неча бор сўроқ қилишади. Ана шу мулоқотда қатағон тегирмонининг бошида турганлардан бири терговчи Жабборовнинг малъун қиёфаси очилади. У ҳар бир сўздан, ҳаракат ва ҳолатдан сиёсий хато излайди. Ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди. Ҳатто милиция майорини ниҳоятда қаттиққўл бўлишга, бундайларга асло раҳм-шафқат қилмасликка чақиради. Томошабинда нафрат уйғотадиган бу умумлашма образни актёр маҳорат билан яратган.

Воқеалар ривожи яна Жаҳонгир қамоқда ётган давр — 1935 йилга кўчади. У қамоқхонада темурийлар даври тарихини ўрганмоқчи бўлиб, Туркистонга келган рус зиёлиси Сергей Василевич Комилев (актёр Ғайрат Убайдуллаев) ва ислом лашкари сафларида курашиб енгилган Зокирхўжа (актёр Ўринбой Нуралиев) деган кимса билан танишади. Улар ўртасида бўлиб ўтган шиддатли суҳбат видеофилмнинг энг ҳаяжонли ва дардли саҳналарини ўз ичига олган. Айниқса, Сергей Василевич билан Жаҳонгирнинг Туркистон ҳақидаги сўзлари томошабинни чуқур ўйга толдиради. Уни Ватан ҳақида, Ватан тарихи тўғрисида чинакамига жон куйдирадиган фидойи бўлишга ундайди. Тилда эмас, балки дилда ҳақиқий ватанпарвар бўлишга чорлайди. «Ватанни ташлаб кетиш хоинлик. Донолар Ватанни хўрликда ташлаб қочмайдилар», дейди Жаҳонгир. Шу боис ҳам у шўролар тузуми даврида Ватан билан бирга озор чекади, Ватан каби азоб-уқубатлар гирдобида тўлғанади. Ўша йилларда Ватанга ёғилган кулфат минг-минглаб жаҳонгирларнинг бошига тушган мислсиз кулфат эди. Афсуски, бу кулфатдан русларнинг ўзлари ҳам омон қолмадилар. Маҳбус Сергей Комилев инқилоб туфайли Ватанини ташлаб кетаётган шўрлик ватандошлари ҳақида гапириб: «Хароб бўлди менинг Россиям», дейди чуқур ҳасрат билан. Сўнгра Жаҳонгирга қараб: «Туркистонни уйғот!» деб даъват этади. Озодлик ва эрк соғинчи билан суғорилган ушбу суҳбатга маҳбус Зокирхўжа аралашади: «Оллоҳнинг ғазабига учрадик... Юртни бой қилувчи улуғ зотларни асраб қололмадик... Юрт эркини ҳимоя қилолмадик. Қулоғимизга бир хил азон айтилган. Бир-биримизни тушунмадик...» Зокирхўжа бир лаҳза тин олади. У Мадаминбек (актёр Мамадхон Асқаров) билан Қўрбоши (актёр Собиржон Соҳибов) ўртасида бўлиб ўтган сўнгги суҳбатни эслайди. Ўша даврда тузилган Ислом лашкари билан Мадаминбек орасида англашилмовчилик туфайли кўп нарса бой берилади. Мадаминбек шўроларга инонмоқ керак ва шу йўл билан озодликка эришамиз, дейди. Қўрбоши бунга кўнмайди. Оқибатда Мадаминбек ўлдирилади. Шу кичик лавҳада Туркистонда инқилоб даврида ҳам ўзаро бирлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрлик бўлмаганлиги яққол акс этган. Оқибат эса аён...

Шунингдек, Ҳадича (актриса Гулчеҳра Жамилова), Собитов (актёр Обид Юнусов), Йўлчи (актёр Элёр Носиров), Муродилла (актёр Маҳмуд Дўстматов) образлари ҳам видеофилм воқеаларининг янада таъсирчан ва ҳаётий чиқишида муҳим аҳамият касб этган. Ҳадича ҳаётда адашган, адашиб бошидан оғир мусибатларини кечирган ўзбек аёли. У Жаҳонгирнинг хотини, Йўлчи эса ўғли. Ўша Қашқарга кўчиш жараёнида эридан айрилади. Жаҳонгирни ўлган деб, иккиқат ҳолида Оламгирга тегади. Орадан йиллар ўтиб юртига қайтиб келиб биладики, Жаҳонгир тирик... «Талоқ олмай туриб бошқа кишига никоҳлангани»дан надоматлар чекади. Йўлчи ўз отаси билан топишади...

Видеофилм воқеалари салкам ярим асрлик давр ҳодисаларини қамраб олгани учун ҳам суратга олиш жараёни анча мураккаб кечган. Воқеа ичида бошқа бир воқеа ё ҳодиса кўрсатилади, айрим қаҳрамонлар тилидан баён этилади. Томошабин гап нима ҳақида кетаётганлигини бирдан англаб етолмайди. Айрим енгил-елпи ёки бир қолипдаги телеспектаклларга ўрганиб қолган томошабиннинг бундай мураккаб телеасарни қабул қилиши, воқеаларнинг асил моҳиятини тушуниб етиши анча қийин. Шу боис режиссёр Жаҳонгир ҳаётидаги энг драматик ҳолатларни кўрсатишга кўпроқ урғу беради, унинг атрофида рўй берган изтиробли ҳолатлар сабабини очишга интилади. Жаҳонгир бир ўринда: «Чўлдаги якка дарахтга ўхшаб қолдим», дейди надомат билан. Актёр Ёдгор Саъдиев ва режиссёр Ҳайбатулла Алиев ана шу якка дарахт танасидаги жароҳатларни томошабин қалбига кўчиришга муяссар бўлганлар. Бу видеофилм ижодкорларининг катта ютуғи. Бир қарашда Ёдгор Саъдиев яратган камгап, доим бир хил қиёфада юрадиган Жаҳонгир образи зерикарлидай туюлади. Лекин актёр маҳорати туфайли қаҳрамон характери ана шу жимжитлик, сокинлик лаҳзаларида ёркин очиб берилган. У айтиб бўлмайдиган сўзларни ғамгин кўзлари, рангпар қиёфаси орқали ифодалайди. Ҳар бир ҳаракатида чуқур маъно бор. Актёр Эркин Комилов яратган Санжар Солиҳов образи ҳақида ҳам шундай самимий фикрларни айтиш мумкин. Ҳар икки образ талқини икки истеъдодли актёр ижодида ўзига хос янгилик бўлди. Уларни яратган жозиб образлари билан қутламоқ лозим.

Оператор Шариф Қодировнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш ўринли. У воқеалар тизимига мос, қаҳрамонлар ҳолатини, характерини тўла очиб берадиган бетакрор манзараларни суратга олган. Қамоқхона йўлаклари, темир эшиклар, совуқ панжаралар, қишки дарахтзор, қабристон тасвирлари видеофилм руҳини янада кучайтиради. Унинг томошавийлигини оширади. Асарнинг тили жозибали. Қаҳрамонларнинг сўзлари қуйма ва жонли. Масалан, қаҳрамонлар тилидан айтилган қуйидаги маънодор сўзларга эътибор беринг: «Мусофирлик тузини татиганлар бир-бирига ёв бўлмайдилар», «Юрт хорликдан қутулмаса, гўримда тинч ётолмайман», «Халқим халқим деймизу, бир-биримизга тиш қайраймиз», ва ҳоказо.

Шу ўринда видеофилмнинг айрим камчиликлари хусусида икки оғиз. Асарнинг тўртинчи қисми анча бўш ишланган. Ортиқча саҳналар кўп. Умуман, шу қисмни бошқа қисмларга сингдириб юборса бўлади. Бургут билан бўлган ҳангомани асарга киритиш шартмикан? Унинг салмоғи йўқ. Овозларни ёзиб олишда техник хатоликларга йўл қўйилган. Терговчининг хонасида бўладиган сўроқ саҳналарида шовқин кўп. Актёрларнинг гапига тушуниб бўлмайди. Воқеалар оқимининг тез-тез ўзгартирилиши томошабинни бироз чалғитади...

Мустақиллигимизнинг уч йиллигига бағишлаб яратилган ушбу видеофилм, жузъий камчиликлардан қатъи назар, маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа бўлди. Асар кечаги кунимизнинг мудҳиш ва даҳшатли манзаралари асло қайтарилмаслигидан бизни ҳамиша ва ҳар қачон огоҳ этиб туради. Жаҳонгир сингари яраланган якка дарахтнинг жароҳатларига малҳам излашга ундайди.

Ашурали ЖЎРАЕВ

Юсуф ЖУМАЕВ

СЕН ҲУСНДА ОЙДИРСАН

Сен ҳуснда ойдирсан,
Мен қаршингда лойдирман.

Лой ҳилолга етолмас,
Воҳ, воҳ, ҳоли войдирман.

Висолингдан умид йўқ,
Қуриб қолган сойдирман.

Ҳижронингдадир жоним,
Қопқондаги тойдирман.

Юсуф, ҳолимни сўрма,
Оловдаги мойдирман!

***

Жамолингда бўстоннинг найсонин кўраяпман,
Вужудимда қамишнинг хазонин кўраяпман.

Қувончдан обод қалбинг, меники-чи ғамдадир,
Юрагимда дунёнинг ҳижронин кўраяпман.

Юзларингда саҳарнинг тўлин ойи ҳамиша,
Кўзларингда тонгларнинг чўлпонин кўраяпман.

Остонингда ётмадим, дийдоринга етмадим,
Ҳижронингда умримнинг поёнин кўраяпман.

***

Муборак инсонлар
Бир замон демиш:
Ҳар кимнинг тупроғи
Ҳар ердан эмиш.

Биров лойин қорган
Унумдор ердан.
Биров лойин қорган
Тупроғи шўрдан.

Эй нодон, сен келма
Осмондан, ойдан.
Лойинг қорилгандир
Нотоза жойдан.

***

Белим походлек букилди,
Ҳижронинг тоғи остида.
Бағрим сомондек эзилди,
Айрилиқ доғи остида.

Икки кўзинг тунистондир,
Ойдек пешонанг остида
Икки лабинг болистондир
Юзинг қаймоғи остида.

Зулфинг остида ёноғинг
Ёдимдан чиқмагай ўлсам,
Гўё икки анор ётар
Гулнинг япроғи остида.

Кўйлак остидаги сийнанг
Хаёлимнинг ошёнидир,
Гўё икки хандалакдир,
Хокман фироғи остида.

Юсуф дейди: — Не тилагинг?
— Фақат висоли керагим,
Ўтса деймман икки дунём
Икки оёғи остида.

ҚИШДА ПИШГАН ОЛМА

Ҳазил

«Олма пишганда келинг»,
Қўшиқ куйлардинг шундоқ,
Кутдим олма пишиғин,
Кутдим жудаям узоқ.

Ёз ҳам келди ниҳоят
Сен томонга чопдим зор.
Дедилар: у январда
Биттасига бўлди ёр.

Нодон, дедим, ўзимга,
Қани йўлингдан қолма,
Олма январда пишган,
Қишда пишибди олма!

НАВРЎЗГА ТАЙЁРГАРЛИК

Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театри биносида миллий байрамимиз — Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Маданият ишлари вазирлиги томонидан тузилган ташкилий қўмита ва саҳналаштирувчи гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда маданият ишлари вазири муовини Баҳодир Абдураҳимов, тадбирнинг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев сўзга чиқди. Унда пойтахтимиздаги театр жамоалари, ўқув юртларининг раҳбарлари, Маданият ишлари вазирлигининг бошқарма бошлиқлари ва ёзувчилар иштирок этдилар.

Шунингдек, байрамга тааллуқли ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Республика Маданият ишлари вазирлиги Ахборот маркази

НАСРИДДИН АФАНДИ ШОФИРКОНДА

Шофиркон туман маданият уйи қошидаги Халқ театри жамоаси «Насриддин Афанди Шофирконда» номли кулги кечасини томошабинлар ҳукмига ҳавола этдилар. Унда ижро этилган интермедия, қатра хандалар, шўх қўшиқларда болалар ҳаёти акс эттирилган. Кулги кечасида Умар Шомуродов, Саъдулла Убайдуллаев, Холбегим Нафасова, Гулойна Зокирова, Шерали Аҳмаджонов, Ботир Омонов, Майрам Мўминова, Музроб Тўраев, Хайрулла Ғойипов, Дилфуза Салимованинг чиқишларини томошабинлар қизиқиш билан кутиб олдилар. Насриддин Афанди ролини театрнинг режиссёри Б. Розиқов ижро этди.

Гулмира МУСАЕВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Ашурали Аҳмедовга қизи

Гулчеҳра АҲМЕДОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Неъмат АРСЛОНОВ

ОВЛОҚ ШАҲАР МАШМАШАЛАРИ

Ҳикоя

Оғзидан турли рангга бўялган пўлат соққа ва қоғоз тасмаларни чиқариб машқ қилаётган кўзбойлағич дўстига қараб алланечук гулдираб қўйди. Дўсти ойнабанд хонанинг бурчагида ёғоч курси устида ўтирар ва машқнинг тугашини сабрсизлик билан кутарди.

— Бўла қол энди! — деди у тоқати тоқ бўлиб ўрнидан тураркан, — жонингга тегмадими ҳадеб соққа ютиш? Ё шу билан қорин тўйдирмоқчимисан?

— Бироз машқ қилиш керак ахир, эртага томошам бор.

— Қўйсанг-чи, бу ерларнинг одами худди Одам Ато билан Момо Ҳаводек соддадил. Ўн-ўн беш дақиқалик масхарабозликни шундай ҳам эплайсан. Мана мен, юрибман-ку. Ишим сеникидан масъулиятли, телепатия!

Бу гап кўзбойлағичга маъқул тушди. Улар тор ва диққинафас хонадан ўқдек отилиб чиқишди-да, дадил қадамлар билан марказий кўчани кесиб ўтиб дўконларни кўздан кечирганча шаҳарнинг шимолий мавзесида юксалиб турган бино томон йўл олишди. Оқсаройни томоша қилиб, Кўк гумбаз ва Доруссаодатни айланиб чиққунларича вақт тушга яқинлашиб қолди. Аммо меҳмонларни қадимий обидалар ҳам эмас, балки шаҳарнинг бозори ва савдоси лол қолдирди. Дўконлар шу қадар кўп ва одам шунчалик гавжум эдики, бундан ер юзи улкан ари уяси каби ғувиллар, агар имкон бўлиб ана шу талотўпдан юқорироқ кўтарилиб қаралса, ҳамма нарса устидан фақат савдо-сотиқнинг ҳукм юргизаётганини кўриш ва бу манзарани арилар ғувиллаб ётган улкан ари уясига муқояса қилиш мумкин бўларди.

— Бир тамадди қилиб олмаймизми? — сўради кўзбойлағич ва гўё ўзини оқламоқчи бўлгандай қўшиб қўйди: — бозорда одамнинг қорни тез очқаркан.

— Ихтиёринг.

— Бу яқин орада ошхона ҳам кўринмайдими, деймана?

— Тўхта, менда бир «идея» туғилди. Тўғриси, ошхонаю ресторан деганларинг жонга теккан.

— Хўш, хўш!

— Кел бундоғ қиламиз. Сен иккитагина жаздай иссиқ нон билан кўкат ва яна у-бу харид қил, мен икки кило яхши қўй гўштидан олай. Бир ўтирайлик отамлашиб. Шунча катта шаҳарларда юриб озиб-ёзиб овлоқ бу жойга келиб қолибмиз...

— Уч кило дейсанми, кўп-ку.

— Антипод Мишкин билан масхарабоз Метан акани ҳам чақирсак дегандим. Балки яна битта-яримтаси қўшилиб қолар...

— Хўп, ундай бўлса сиз жаноблари шарққа, биз жаноблари ғарбга томон йўл оламиз.

Бу гапдан кейин икки дўст Салтиков-Шедрин ҳикоясидаги икки нўноқ генерални эслаб ҳузур қилиб кулишди. Хуллас, уларнинг кайфияти жуда яхши эди. Шундан сўнг телепат гўшт дўконига томон, кўзбойлағич нон растаси тарафга йўл олдилар. Телепат дўконга яқинлашганда савдо қизғин, одамлар ҳам бир талай эди. У бир амаллаб қассобга пул узатиб «уч кило» деди. Қассобнинг жайра сихидек қаттиқ ва ялтироқ мўйлаби ажабтовур ўйнаб кетди. Чарм пешбанд тутиб олган шогирд болага имо қилди.

— Гурпойми? — сўради шогирд бола.

— Гурпой. Ара нимсар хомшох!

— Хўп!

Қассоб жуда тез ишларди. Ора-сира гўштга келган танишлари билан сўрашиб навбатсиз одамларнинг боши устидан гўшт узатиб юборишга ҳам улгурар, бундан битта-яримта норози қиёфада тўнғиллайдиган бўлса, кўз қисиб қўйиб гап билан кўнглини оларди-да, яна шогирдига иш буюрарди:

— Биёз!

— Гурпойми?

— Хомшох!

Телепат гўшт олишга тайёр турарди.

Шу пайт бағбақалари осилган серсавлат бир киши келиб ўртадан пештахатага яқинлашди:

— Мойли ака, бормисиз?

— Э, саломатмилар? Мана ҳозир!

Қассоб шогирдига қараб шипшиди:

— Капара гурпой.

— Ҳамишагидайми? — сўради бағбақали киши гўштни оларкан.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, ака.

— Мана, пулини олинг.

Телепат навбатда туриб мушоҳада қилар, аммо қанча ўйламасин «гурпой» дегани қўй, «хомшох» эса эчки гўшти эканлигини хаёлига ҳам келтирмас, ҳиндларнинг қадимий афсун китобларида ёзилган дуо сўзларига ўхшаб кетадиган «биёз», «ара нимсар», «капара» каби сўзлар эса сонгўштни билдиришини етти ухлаб тасаввурига ҳам сингдиролмасди. Фақат қассоблар ва савдо ходимларигина тушунадиган ва харидорлардан сир тутиладиган калималар Мойли аканинг оғзидан бамисоли чарви ёғига ботириб олингандай силлиқ ва ёқимли чиқарди. Қассобнинг кўз қараши, қош қоқиши, лабларининг такаллуфга тез-тез жуфтланиб туриши, овозида одамни аллаловчими ёки бепарволикка солувчими, аллақандай куч бордай. Ўнг қўлида ўткир пичоқ, чап қўлида эса бели ингичка тортиб қолган қумқайроқ. Уларни бир-бирига ишқалаганда «сўм-чақа сўм-пул» «пул-чақа-сўм-пул» деган овоз чиқаётгандай. «Воажаб, — хаёлидан ўтказди телепат, — агар бу кишини директоримиз кўрса борми, албатта циркка ишлашга таклиф қилса керак».

Қассоб ишида давом этарди.

— Шап-шапалоқ!

Тарози палласига зарб билан урилган бир бўлак шапоқ гўштдан ана шундай садо чиқди. Тош қўйилганда ёки гўшт олинганда паллалар ўйнаб қолар, шунда телепатнинг қулоғига «ичак-чавоқ», «ичак-чавоқ» деган овоз чалинарди. Умуман, пичоқ, қайроқ ва тарозининг бундай ҳамоҳанг ашуласини телепат ҳеч қачон, ҳеч қайси шаҳарда эшитмаганди. Ҳайрат ва таажжубдан ақли лол қолганча гурпойи нимаси экан? Хомшохи-чи? — деб ўйлаганча оғзи очилиб тураркан, қассобнинг овозидан ўзига келди:

— Хўш, сизга акам, ҳа, уч кило қўй гўшти дегандингиз. Ёдимда! Ёдимда!

Телепат ўзининг анчайин таниқли санъаткор эканлигини эслаб қолиб дарҳол ўзини ўнглаб олди. Саҳнадагидай қассобнинг ўйнаб турган кўзларига қаттиқ тикилиб, унинг хаёлида нималар бўлаётганини англашга уриниб кўрди. Бу пайтда Мойли аканинг миясидаги миллион-миллион ҳужайраларгина эмас, балки бутун вужуди ягона фикрга бўйсуниб ишламоқда эди:

«Бу одам афтидан зиёлига ўхшайди».

«Гўштнинг фарқига ҳам унчалик бормайди».

«Алдаш, гурпой ўрнига хомшох бериш мумкин».

«Ярим кило, гўш, ярим кило суяк, ярим кило чарви, ярим кило ичак-чавоқ».

Телепат ҳам қассобнинг миясидан таралаётган биотўлқинларни қабул қилиб олиб, унга қарши буйруқ бера бошлади:

«Лаҳимидан қўй!»

«Суякни қўшма!»

«Чарвини қўйма! Суякни ташла!»

«Ташла! Ташла!»

Қассоб қўлидан тушиб кетаётган муштдек суякни эпчиллик билан илиб олиб, палладаги гўшт ва чарвилар ичига уриб юборди. Тамоман ҳайратда қолган телепат ўз санъатининг сўнгги ҳадисини ишга солишга киришди. Унга гўштнинг қандай бўлиши энди барибир эди. Фақат телепатлик қуввати билан қассобни енгишга интиларди. У сўнгги буйруқни берди:

«Ғуруримни топтама, ол суякни! Ол!»

«Суякни ол! Инсоф қил!»

Бироқ бу сўнгги гап унчалик ҳам буйруққа ўхшамади. Қассобнинг асабий титраётган, гоҳ тарозига яқинлашиб, гоҳ ғайритабиий куч таъсирида орқага қайтаётган қўллари тетиклашди, қўлига пичоқ билан қайроқни олди.

«Пул-чақа-сўм-пул!»

Бу овоздан қассоб яна ҳам қатъийлашди. Гўштни чаққон ҳаракатлар билан қоғозга ўраб харидорга узатди. Телепат бир муддат каловланиб турди, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, бироқ орқада навбат кутиб турганларнинг зардали овози эшитилди:

— Тезроқ бўлсангиз-чи, амаки! Бунча лаллаясиз! Мойливой акамни энди кўряпсизми?!

Телепат «сеанс» тугаганини тушунди.

У шартлашилган жойга етиб келганда дўсти уни кутиб турарди. Телепат шундагина қўлида гўшт борлигини эслади.

— Биёз. Гурпой... хомшох...

Қоғоз ичидаги чарви, суяк ва безларни кўриб фокусчининг ғазаби қўзиб кетди.

— Ўргилдим хомшохингдан. Алаҳсираб шуни олиб келдингми? Ким айтади сени телепат деб! Санъатингга аввалари ҳам шубҳаланиб юрардим. Телепатиянинг ўзи аслида беҳуда нарса. Сени қара-я, гурпой эмиш. Ана, ҳар икки гапнинг бирида Вольф Мессингга етишимга оз қолди, деб оғиз кўпиртирасан. Мана, гўшт олишни энди мендан кўр!

Фокусчи ишга ижодий ёндашди. Пулларни қулоғининг ичидан, оғзидан, чатанининг орасидан ва бошқа ноқулай жойларидан чиқариб қассобга узатди. Қассоб тарозига гўшт қўяётган пайтда уни чалғитмоқчи бўлди:

— Алле-хопп!

Кўзбойлағич ўнг қўлининг икки бармоғини қассобнинг кўкрак чўнтагига тиқиб шақирлаган беш минг сўмликни чиқараркан, чап қўли билан тарози палласига сездирмай ярим килолик тошни қўшиб қўйди.

— Ўйнашманг, ука! — деди қассоб кўзбойлағичнинг қўлидан пулни ақл бовар қилмайдиган тезликда юлиб оларкан, — ҳазилнинг жойи эмас, бу давлатнинг пули. Мана, гўштингизни олинг.

— Мен ҳазиллашдим, амаки, элликталик ўзимники! Нима эди... нурпой! Шоха!Хомшоха!..

«Сўм-пул! Сўм-пул!» садо берди қассобнинг қўлидаги пичоқ ва қайроқ.

«Ярим кило зиёд олдим-ку» деган фикр хаёлидан ўтаркан, кўзбойлағич тарозига қаради-ю ҳангу-манг бўлиб қолди. У ўз санъатини намойиш этаётган пайтда Мойли ака унинг қўлидан элликталикни юлқиб ола туриб иккинчи қўли билан бир килолик тошни «билса ҳазил, билмаса чин» қабилида олиб қўйганди.

Кўзбойлағич қассобга қараб яна бирор нарса дейишга улгурмай навбатда турганлар уни орадан суриб чиқаришди.

...Эртаси кун томошада телепат ва кўзбойлағичнинг ўйинлари эълон қилинмади. Улар тамом юрак олдириб қўйишган, қассоб Мойли аканинг томошагоҳга кириб келаётганини кўриб жуфтакни ростлаб қолишганди.

Дунё тўла сир-синоат

«ҚИП-ҚИЗИЛ ЭТИКДА ЎЛАДИ...»

Россия императори Николай I нинг ўғли — бўлажак шоҳ Александр II (1818-1881) туғилганида, малика Александра Федоровна ўз чақалоғининг келажагини билмоқчи бўлибди. Ўша пайтда бутун Москвага донғи кетган валиназар одамни — девона Федорни топиб саройга келтирадилар.

Девона Федор янги туғилган чақалоққа бир қарабоқ:

— Қудратли шоҳ бўлади, шуҳратли шоҳ бўлади, кучли подшоҳ бўлади бу чақалоқ! Дунёнинг кўп ўлкаларини қон тўкиб, зўрлик билан босиб олади! — деб сандироқлай бошлайди ва... юзларини буриштиради: — Кўраяпман, ўлаётганини кўраяпман... этиги қип-қизил, этиги қип-қизил...

Албатта ўша пайтда девонанинг сўнгги сўзларига ҳамма кулган эди. Рост-да, эркак кишиям қизил этик киядими, яна бунинг устига, энг қудратли мамлакатнинг тахтига чиқадиган бўлса!

Девонага шоҳона инъомлар бериб, чиқариб юборишади — ахир у чақалоқнинг улуғ ҳукмрон бўлишини, шон-шуҳратга бурканишини, ҳаёти чинакам жангу жадал, урушлар ичида кечишини башорат қилди. Шоҳ хонадони учун, валиаҳд учун сулола шуҳратига шуҳрат қўшишдан ҳам улуғроқ бахт борми? Сўнгги сўзларига эса эътибор қилмасаям бўлади, девона-ку, нималарни алжирамайди дейсиз...

Тарихдан маълумки, Александр II 1855 йили Россия тахтига чиқди. Унинг даврида империянинг чегаралари кенгайгандан кенгайди: Полша қайтариб олинди. Болқон ярим ороли эгалланди. Қофқоз қонга ботирилди. Қозоқ жузлари бирин-кетин тобеъ бўлдилар. Узоқ Шарқ тўла бўйсундирилди, Қўқон хонлиги босиб олинди, сўнг умуман йўқотилди, Бухоро ва Хива хонликлари забт қилиниб, ярим вассал, сиёсий қарам ҳолига келтирилди. Буларнинг бари куч билан, зўравонлик туфайли, қон ва қурбонлар, жангу жадаллар эвазига амалга оширилди. Александр II рус подшоҳлари ичида энг кўп суйиқасд уюштирилган ҳукмдор сифатида ҳам тарихда қолди. Турли шахслар ва ташкилотлар 1866-, 1867-, 1879-, 1880-йилларда унинг жонига қасд қилишди, лекин умри узунроқ экан, шоҳ буларнинг баридан омон сақлана олди. 1879 йилда ташкил топган «Народниклар» ҳаракати шоҳнинг бошига битган чинакам бало бўлди — улар икки йилнинг ичида саккиз марта подшоҳга суйиқасд уюштирдилар. Ниҳоят 1881 йилнинг 1 март куни ниятларига етдилар.

Ўша куни якшанба эди. Подшоҳ Михайлов манежидан чиқиб, Екатерина канали ёқасидаги йўл билан Қишки саройга қайтиб келмоқда эди. Портловчи моддалар билан қуролланиб олган уч инқилобчининг бири қўлидаги бомбани шоҳ каретасининг остига ташлайди. Кучли портлаш рўй беради, карета ағанаб кетади, лекин шоҳнинг жони омон қолади. У оломон қўлига тушган суйиқасдчининг ёнига оқсоқланиб келаркан, аҳвол сўраганларга: «Шукур, соғ қолдим, худога шукур, лекин ановилар...» деб, кўприкда яраланиб ётган соқчиларга ишора қиларди. Шу пайт иккинчи «народник» етиб келадида, подшоҳнинг оёғи остига яна битта бомба ташлайди. Бу галги портлаш аввалгисидан ҳам кучлироқ бўлади. Тутун тарқалганда, оломон оёқлари титилиб, қонга ботган ҳукмдорни ерда кўрдилар. Шоҳ «Совуқ, совуқ!» деб пичирлади. Чопиб етиб келган улуғ князь Михаил Николаевичга у: «Тезроқ... саройга.., шу ёқда жон берай...» — деб ёлворди.

Булар шоҳнинг сўнгги сўзлари эди.

Титилиб кетган, узуқ-юлуқ оёқларига зўрға илиниб турган этиклар қип-қизил қонга бўялган эди...

Хуллас, девона Федорнинг олтмиш йил муқаддам айтган алжирашлари тўғри чиқади!

МУЗАФФАР баён қилди

ТАСОДИФМИ ЁКИ ОМАД?

Хитойлик деҳқон Цзяо Сюцзян ҳаётида эртаклардагина учрайдиган тасодиф юз берди. У Янцзи дарёси бўйида жойлашган Учане шаҳри бозоридан бир тошбақа сотиб олди ва косасига ўз исми шарифи ҳамда санани ўйиб ёзиб сувга ташлаб юборди. Орадан бир неча йил ўтгач Янцзи дарёсининг Учане шаҳридан 320 километр узоқликда жойлашган қисмида балиқ овлаётган ҳалиги деҳқон бир тошбақа тутиб олди. Унинг косасига нималардир ёзилган эди. Деҳқон ҳайратланиб уни ўқишга киришди. Тасодифни қарангки, тошбақанинг устига «Цзяо Сюцзян. 1971 йил» деб ёзилган эди.

ҚАЙСИ БИРИ ҲАҚИҚИЙ МАККЕНЗИ?

Австралиянинг Сидней шаҳри полициячиси Дуглас Маккензи йўлдан ўтиб кетаётган шубҳали кишининг ҳужжатларини текшириб кўрмоқчи бўлди. У ўз талабини йўловчига айтган эди, йўловчи ҳеч иккиланиб ўтирмай барча ҳужжатларини полициячига узатди. Полиция ходими ҳужжатларни кўздан кечирар экан, юраги ёмон бўлиб қолишига озгина қолди. Чунки йўловчи кўрсатган туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, диплом, иккита омонат касса дафтарчаси, медицина картаси полициячи Маккензига қарашли эди. Полициячининг гапига қараганда, ҳужжатларни икки йил бурун машинасидан кимдир ўғирлаб кетган экан.

ЮРТИНИ СОҒИНГАН МУРДА

Машҳур актёр Чарлз Коглен Авлиё. Лаврентий бўғози яқинидаги Шаҳзода Эдуард оролида туғилган. Болалиги ҳам шу ерда ўтган эди. Тақдирни қарангки, у 1899 йили Америка Қўшма Штатларига гастролга боради ва Галвестон шаҳрида вафот этади. Уни шу ерга дафн қиладилар. Орадан бир йил ўтгач, Мексика бўғози томондан бошланган кучли бўрон ва сув тошқини натижасида шаҳарни сув босади. Қабристонни ҳам сув босиб Когленнинг мурдаси солинган тобутни оқизиб кетади. Орадан ўн йил ўтгач балиқчилар бу тобутни бир неча минг километр наридан, Шаҳзода Эдуард оролидан топиб оладилар. Тобут машҳур актёр туғилган уйдан бир неча мил нарида сув бетида сузиб юрарди.

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

АРОСАТ

Ҳажвия

Диванга энди ёнбошлаб, «Ҳумоюн ва Акбар»нинг буклоғлиқ жойини очишимни биламан, тепамда хотинимнинг ўзимга ниҳоятда ёд бўлиб кетган қўшнайдай овози янграб қолди:

— Ҳа, китобам ўлсин-а! Одамни сил қилворасиз! Шунча китоб титкилаб шохингиз чиқдими?! Мундоқ чойхонага тушиб, тўртта одамга қўшилсангиз бўлмайдими?! Бугун отдих бўлса!

— Чойхонада нима бор! Бирпас тинч қўй, ҳозир Акбар пойтахтни Аградан Секрига кўчирмоқчи бўп турипти...

— Нима-а?! Кўчирса нима қипти! Шуни ташвиши сизга тушиб қолдими?!

Ҳазиллашяптими деб мундоқ бошимни кўтариб қарасам, йўқ, астойдил гапиряпти. Сездимки, баҳслашишдан фойда йўқ. Секин ўрнимдан туриб, йўлакка чиқдим. Энди шиппакни оёғимга илганимни биламни:

— Ҳай, қаёққа!— деб қолди хотиним яна худди балкондан қулаб тушаётган болага ёпишгандай.

— Чойхонага.

— Чойхонага шу аҳволда чиқадими киши! Шиппакда-я! Чопон-ку майли! Ипподромдан олган туфлингиз қани?

— Э, жиннимисан, туфлига бало борми?— дедим энсам қотиб.

— Номусга ўлдиради бу киши одамни!— деди хотиним орқамдан эшикни ёпиб.

Чойхона «дом»имизнинг шундоқ этагида. Чойхонаки, домкомимиз Сайфи ака савоб бўлади, деб тепасига тўртта шифер ташлаб қўйган жой. Бурноғи йили чақмоқ уриб кетган марварид тутнинг икки томонига қўйилган иккита сўридан бўлак ҳеч вақо йўқ. Майли-да, номи — чойхона!

Босайми-босмайми деб тут ёнига яқинлашганимни ҳам сезмай қопман. Бир маҳал:

— Ҳў Наримон ака! Ошга келинг!— деган таниш овозни эшитиб қолдим. Қарасам, бир сўрини тўлдириб «собиқ» улфатларим ўтиришипти.

— Раҳмат, баҳузур!— дейишга улгурмадим. Мени ошга таклиф қилган оғайнимни ёнида ўтирган биттаси енгидан тортиб жойига ўтказиб қўйди.

— Нима қиласан ичмайдиган одамни чақириб! Одамгарчиликдан чиққан бу!

Рост, шундай деди. Қулоғим кармас-ку. Индамай ўтиб кетдим. Нариги сўрига яқинлашганимни биламан:

— Ҳў Наримон ака! Ошга келинг!— деб қолди яна биттаси ўрнидан туриб. Қарасам, улар ҳам ўзимнинг танишларим. Лекин мени чақарган йигитни ҳам кимдир этагидан тортди:

— Нима қиласан ичадиган одамни чақириб! Ўтиришни расво қилади!

Ер ёрилмади-ю... Яхшиям, Сайфи ака бор. Минг қилганда ҳам кўпни кўрган одам-да. Дарров жонимга оро кирди:

— Ие, мулла Наримон, келинг-келинг, қани юқорига ўтинг. Ҳозир иссиқ чой дамлайман.

Ҳалиги гап-сўзларни эшитмаганга солиб, тўрга — самовар ёнидаги чойнак-пиёла териб қўйилган стол томонга қараб юрдим. Сайфи ака дарров битта курси қўйиб берди. Чой дамлади. Қани, томоғимдан ўтса! Нега хотинни гапига кириб шу ерга тушдим-а? Билардим шунақа бўлишини! Гап шундаки, ичкиликни ташлаганимдан бери саҳродаги саксовулдай сўппайдим-қолдим. Биров бу ёққа ке, демайди. Илгари ош-қатиқ бўлиб юрган улфатларим мени аллақачон одамзот рўйхатидан ўчирган. Аксига олиб, ичмайдиганлари ҳам ўзини олиб қочади. «Бўрини еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам оғзи қон»,— деганлари рост экан-да. Ҳайронман, нима қиламан энди? Бошим қотган шу кунларда. Энди ишхонадаги хотинларга қўшилволиб, музқаймоқ еб юраман шекилли-ёв.

Сайфи ака ичимдан ўтганини сезиб турган эканми, тасалли берган бўлди:

— Парво қилманг, мулла Наримон. Босиб-босиб чойдан ичинг. Ҳаммаси ўтиб кетади.

Ҳе, ўтгани қурсин! Тўғри, чой ҳам ёмон нарсамас. Ҳиндистондаям, Индонезиядаям, ҳатто Англиядаям чойни яхши кўришади. Лекин ош — барибир ош-да! Мана, ҳозир ҳам ҳамма ёқни ошни ҳиди тутиб кетипти. Зирани аямай солишипти-да азаматлар.

Сайфи ака билан бирпас у ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлдик. Суҳбатимиз барибир қовушмади. Шунинг учун:

— Майли, мен борай!—деб ўрнимдан турганимда Сайфи ака «ўтиринг» деб қистамади.

— Тушиб туринг, мулла Наримон! Ош бўлмасаям, чойимиз бор!

Минг раҳмат шунгаям.

Уйга қайтиб киришдан бошқа чора қолмади. Табиийки, бундан хотинимнинг боши кўкка етмайди. Лекин илож қанча!

— Намунча ёв қувгандай тез қайтмасангиз!— деди у эшикни очишим билан. Бу гапга тайёр турганим учун:

— Ҳеч ким йўқ!— деб жавоб бердим пинагимни бузмай.

— Озиб-ёзиб сиз тушганингизда-я!

— Одам йўқ чойхонада!

Шундай дедим-у, шиппакни ечиб, яна диванга чўзилдим.

Ҳайтовур, бошқа оғиз очмади, нариги хонага кириб, ўзи билан ўзи овора бўлиб кетди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бир маҳал китобнинг Акбар янги пойтахтнинг тарихини чизаётган жойига келганимда:

— Қалай, пойтахт кўчдими?— деган овоз эшитилди. Қарасам, хотиним тепамда турипти. Овози тамомила бошқача. Мулойим.

— Шуни ҳаракати бўляпти.

— Оҳ, қанийди бизга ҳам ўша ердан квартира беришса!

— Беришади,— дедим жиддий оҳангда.— Ариза топшириб қўйганман.

— Йўқ, квартира керакмас! Домда сиқилиб адою тамом бўлдим. Коттеж сўранг.

Ҳазиллашяптими деб мундоқ бошимни кўтариб қарасам, йўқ, астойдил гапиряпти.

— Хўп, коттеж сўрайман. Коттежга нима етсин! Энг баҳаво жойдан сўрайман. Албатта беришади.

— Илойим, айтганингиз келсин!— деди у алланечук энтикиб.

Шу билан сермазмун суҳбатимиз тугади. Хотиним ошхонага чиқиб кетди. Мен яна китобга шўнғидим.

Низом КОМИЛ



МУШУК:-Дастурхонга марҳамат.

ПИЁНҚИШЛОҚЛИК НОР ТОҒАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

— Нор тоға, тушимда нуқул ингилизча гаплашиб чиқаман, нима қилай?

— Таржимон аёлни оп келиб, бирга ётинглар.

***

— Эҳтиёткорлик ва жасорат ўртасида қандай фарқ бор?

— Жасорат — бу Эшмат тажангнинг олдига бориб уни бўралаб сўкиш.

— Эҳтиёткорлик эса — Эшмат тажангни телефон орқали сўкиш.

***

— Эгизак фарзанд кўргим бор.

— Нусха кўчирадиган аппарат сотиб ол.

***

— Узоқ қариндошлар билан танишиб олиш учун нима қилиш керак?

— Бойиб кетсанг бўлди, ўзлари келишади.

Жавобларни Азиз ОРИФ ёзиб олган

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида ёш ёзувчилар мактаби иш бошлади. Машғулотларни ҳар пайшанба куни соат 10.00да ва 15.00-да таниқли адиблар ва шоирлар олиб борадилар.

Ижодиёт маркази Пушкин кўчасидаги 69-уйда жойлашган. Метронинг Ҳамид Олимжон бекати. 4-, 18-, 5-троллейбусларнинг Дархон бекати. Телефон 33-12-43

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод Абдуллаев (назм ва наср бўлими мудири), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Шароф УСНАТДИНОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир —Маҳмуд САЪДИЙ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0058. 19828 нусхада босилди, ҳажми — 4 босма табоқ. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6